Buyuk kelajagimiz bugundan boshlanadi

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz | 2019-YIL 10-YANVAR, PAYSHANBA, 1 (791)-SON | web sayt: www.21asr.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида **"Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!"** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

2. **"Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати"** деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **"шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият"** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади.

4. Қуйидагилар:

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Концепцияда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотдан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш, уларнинг ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларни ўрганиш, шунингдек, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, ушбу соҳада ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда қўшимча ҳуқуқий маълумотлар (юридик луғат, ҳуқуқий адабиётлар электрон майдончаси, қонун ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси бўйича онлайн форум ва бошқалар) етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет порталини яратиш;

аҳолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш;

умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ҳуқуқий билимларга доир ўқув машғулотлари кўламини янада кенгайтириш;

аҳолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган ҳуқуқий масалалар юзасидан савол-жавоб тарзидаги қўлланмаларни тайёрлаш ва хонадонларга бепул тарқатиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган хизматлари учун топшириладиган "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси" кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

2

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида



# Дастуриламал вазифасини ўтовчи ҳужжат

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқувчи асосий вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.**

**O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайитов** йиғилишни кириш сўзи билан очар экан, жумладан шундай деди:

– Президентимиз Мурожаатномасидаги барча фикр ва ташаббуслар ягона эзгу мақсад – халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги эркин, обод ва фаровон Ўзбекистонни қуришга йўналтирилган тарихий ҳужжатдир. Унда барча соҳаларда кўплаб муваффақиятларга эришилган 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар сарҳисоб қилиниб, 2019 йилда унинг давомийлиги юзасидан дастурий йўналишлар белгилаб берилди. Бу борада аниқ вазифалар кўрсатилиб, йўл қўйилган камчиликлар холисона ва асосли танқид қилинди.

Мана, Мурожаатнома тақдим этилганидан буён 10 кун ўтди. Ўйлайманки, бу муддат тарихий ҳужжатни дастлабки тарзда ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўз олдимизга аниқ режаларни қўйиб олишимиз учун етарлидир.

Ҳақиқатан ҳам якунланган йил давомида "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди, мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсад ва вазифалардан келиб чиқилган ҳолда кенг кўламли ишлар бажарилди.

2

УШБУ СОНДА:

5 "МАЪРИФАТ"СИЗ ҚОЛГАН МУАЛЛИМЛАР



*Нима эмиш, "Халқ таълими нашриётлари" ДУК(?)миш. Ўзларингни кулгига қўймасдан бирорта саводли журналистнинг назаридан бирров ўтказиб олсаларинг бўлмайдими, дейдиган валломат топилмабди. "Нашр" ва "нашриёт"нинг фарқини ажрата олмайдиган вазирлик ўнлаб газета-журналлар устидан қандай сиёсат юргизмоқчи – ҳайрон қоласан киши.*

8 ТИЛ ҚАЙҒУСИ



Тилда атай бузғунчилик билан давлат қонунини бузиб, бунақа кинолару қўшиқларни ясаб ташлаётган, ҳамма ёқни чет атамалару чаласавод ёрлиқ, реклама матнларига тўлдираётган, аллам-бало алфозда жилд-жилд босмаларни "бадиий асар" деб чиқараётган, эфирда қанақадир ярқсиз "ўзбекча" вағиллаб турганлар шу лоқайдлик ботқоғимизда гуркираб ўсаётган алафлардир

ХАЙРИЯТ, НЕСТЕРОВ БОР ЭКАН!

**Буниси ҳали ҳолва, олдинда янада оғирроқ учрашувлар кутиб турибди бизни. Агар кейинги ўйинлардаям терма жамоамиз шунақанги юрак ўйноғи қиладиган "қилиқ"лар кўрсатса...** 8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида

Бошланиши 1-саҳифада

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича олиб бораётган фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасаларида "Бола ҳуқуқлари ва мажбуриятлари" мавзусидаги машғулотларни малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўргазмали тарзда тизимли жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимлари узлуксиз ва тизимли ошириб борилишини таъминлаш механизмини жорий этсин, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув дастурларини тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

2019 йил 1 мартга қадар ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилсин;

ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда таълим муассасаларида турли ҳуқуқбузарликлар, қоидабузарликлар, гиёҳвандлик ва бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимининг ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин;

2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет портали яратилишини тўлиқ якунласин;

уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиш (pro bono) тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

доимий равишда энг долзарб, аҳолини қизиқтирадиган масалаларни белгилаб, аниқ дастурлар асосида улар бўйича манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширсин, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш борасида аҳоли турли қатламларининг фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб борсин;

икки ой муддатда ёшидан келиб чиқиб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида тизимли равишда амалга ошириладиган "Ҳуқуқий ахборот куни" лойиҳасини жорий этсин;

бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқсин;

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиб борсин;

зарур ҳолларда, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, хорижий экспертларни Концепция ва "Йўл харитаси"ни самарали амалга оширишда иштирок этишга, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилишга ва натижаси бўйича зарур чора-тадбирларни белгилашга кенг жалб қилсин;

Концепция ва "Йўл харитаси"нинг амалга оширилиши доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;

Концепция ва "Йўл харитаси"ни амалга ошириш жараёнининг самарали мувофиқлаштирилиши ва мониторинги, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига доимий равишда ахборот бериб борсин;

икки ой муддатда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда ҳуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар кўламини кенгайтириш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, педагогик-психологик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этишга оид мавзуларни мунтазам эълон қилиб борсин.

15. Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмасини бериши мумкин.

16. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур Фармондан келиб чиқадиган ҳуқуқий-маърифий тадбирларни амалга оширишга қаратилган маблағларни ўзларининг харажатлар сметасида назарда тутиб борсин.

17. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини ошириш, бу борада уларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин;

Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмуни ва моҳиятини ҳамда унинг амалга оширилиши бўйича кенг тушунтириш ишларини оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали ёритилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 9 январь*

# Дастуриламал

## вазифасини ўтовчи ҳужжат

Бошланиши 1-саҳифада



Хусусан, 2018 йилга мўлжалланган Давлат дастури доирасида умумий қиймати 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилгани ўтган йили яхши ният билан бошланган ишлар натижасини кўрсатиб турибди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг реал даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди. "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Yoshlar – kelajagimiz" сингари дастурлар доирасида жами 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳа амалга оширилди. Солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу эса 2017 йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробар кўпдир.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Жорий йилда мазкур дастурларга асосан қурилиш ва ободонлаштириш ишларига қарийб 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 416 та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлди.

Фуқароларнинг, авваламбор тадбиркор ва ишбилармон, фермер, хусусий мулк эгалари ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, орзу-истаклари билан муштарак бўлган вазифалардан келиб чиқиб, O'zLiDeP ҳам ўз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқди.

Тан олиш жоиз, фаол инвестицион сиёсат юритмасдан, фаол тадбиркорлик муҳитини яратмасдан туриб, иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг мақбул ва мураккаб йўли айнан иқтисодиётга хорижий сармояларни фаол жалб этиш, бунинг учун қулай шароит яратишдир. У мамлакат иқтисодиётини юқори босқичга олиб чиқади, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиб, минг-минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Мурожаатномада тилга олинган фикрлардан келиб чиқиб, партиямиз мамлакатимизга инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш, инвесторларга қулай муҳит яратиб бериш, уларга эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида ўз тадбиркорлигини бошлашига яқиндан кўмаклашиш ва бу орқали кўплаб янги иш ўрни яратишга қаратилган турли партиявий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилдик.

Партия раҳбари, шунингдек, иқтисодиётни энг юқори босқичга олиб чиқишда асосий омиллардан бири бўлган экспортга йўналтирилган, рақамли, ақлли ва инновацион иқтисодиётга ўтиш, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш, "яширин" иқтисодиётга қарши курашиш, барқарор монетар сиёсатни амалга оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда сиёсий кучнинг муносиб иштирокини таъминлаш муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билимини ошириш, пахта, ғалла, мева-сабзавот ва бошқа йўналишлардаги кластерлар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш каби соҳаларда дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга самарали татбиқ этиш ҳам O'zLiDePнинг ушбу йилга мўлжалланган иш режасидан ўрин олганини қайд этди.

Шундан сўнг **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси Адҳам ШОДМОНОВ** сўзга чиқиб, Мурожаатномадан келиб чиқувчи фракция олдида турган асосий вазифалар хусусида сўзлади:

– Тарихий ҳужжатда парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш ва бошқа қатор таклифлар ва вазифалар белгилаб берилди. Бу бизнинг олдимизга қонунчилик ташаббусини янада кучайтириш, халқимиз ва электоратимиз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қонун лойиҳалари устида ишлашимизни талаб этади. Ана шунга кўра биз жорий йилда ўтган йилга нисбатан янада самарали ишлашимиз, халқимиз, жумладан электоратимиз вакиллари – тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари устида жиддий ишлашни мақсад қилдик.

Мурожаатномада белгиланган қонун устуворлиги, адолат ва либерализм тамойилларига асосланган очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш, тиббий хизматни яхшилаш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, одамларнинг турмуш шароити ва фаровонлигини ошириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга асосланган ташқи сиёсий фаолият самарадорлигини янада кучайтириш каби устивор вазифалар рақобатдошлик, барқарор ривожланишимизни таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, қайд этилган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли адо этилиши ислоҳотларнинг бардавомлигини таъминлайди.

Чуқур таҳлил, теран мушоҳада, халқпарварлик руҳи билан суғорилган бу йилги Мурожаатномада давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилиш, халқимиз манфаатлари ва фаровонлигини таъминлаш, одамларнинг давлатдан рози бўлиб яшашига хизмат қиладиган қатор долзарб масалалар кўтарилгани билан барчамизнинг диққатимизни тортди.

*"Президент қабулхоналарининг икки йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатдики, биз халқдан, унинг ташвиш ва муаммоларидан анча узоқлашиб қолган эканмиз. Албатта, орттирган тажрибамиздан келиб чиқиб, бу қабулхоналар фаолиятини такомиллаштиришимиз керак. Мана шу тизим орқали фуқаролар билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олиб, биз келгусида давлат бошқарув тизимини тубдан қайта кўриб чиқишимиз, илғор давлат менежменти ва оқилона бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтишимиз лозим"* деди давлатимиз раҳбари.

Қолаверса энди давлат муассасалари бевосита фуқаро билан ишлашга ўтиши, давлат идоралари халққа кўмакчи, тадбиркорларга бизнес ҳамкор бўлиши зарурлиги қайд этилди. Бу, айтиш мумкинки, бутун халқимизнинг, сизу бизнинг кўнглимиздаги гап бўлди. Сабаби, бугунги кунда ҳар бир қилаётган ишимиз, илгари сураётган ташаббусимиз фақат ва фақат халқимизнинг оғирини енгил қилишга, фаровонлигини оширишга, турмуш-шароитини янада яхшилашга хизмат қилмоғи лозим.

– Президентимизнинг иккинчи бор Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ўз мазмун-моҳиятига кўра, халқимиз фаровонлигини кўзлаб амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар келгуси йилда ҳам мантиқий изчилликда, янада янги суръатлар билан давом этишини англатмоқда, **– деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда ХЎЖАЕВА.** – 2019 йил мамлакатимизда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилинишида юрт тараққиётининг асоси ҳисобланган иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва у орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилашдек бир-бири билан узвий боғлиқ ҳаётий эҳтиёж давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътиборга олинган.

Мурожаатномада иқтисодий соҳани янада ислоҳ қилиш, инвестициявий қулай муҳит яратиш ва уларни кенг жалб этишга йўналтирилган муҳим вазифалар, ижтимоий соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган устувор йўналишлар белгилаб берилди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, замонавий бошқарув ва парламент назоратини кучайтириш, ташқи сиёсат ва хавфсизлик, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз томонидан парламент назоратини янада кучайтириш борасидаги муҳим таклиф, яъни ҳукумат аъзолари, вазирликлар ва давлат қўмиталари раҳбарларини лавозимга тайинланишида аввало номзодларнинг Олий Мажлис муҳокамасидан ўтиши амалиётига оид таклифлари энг асосий демократик тамойилларга асослангани билан эътиборга молик. Унга кўра, аввало, номзод ўз дастурини тақдим этади, амалга ошираднган ишлари, режалари ҳақида маълумот тақдим этади, депутатлар саволларига жавоб беради. Умуман, халқ вакиллари синовидан муваффақиятли ўтсагина, лавозимга тайинланади.

Мазкур амалиёт нафақат республика марказида, балки ҳудудларда ҳам жорий этилиши, яъни маҳаллий даражадаги раҳбарликка номзодлар ҳам дастлаб тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида муҳокама қилиниб, кейин лавозимга тайинланиши ҳам диққатга молик иш бўлди.

– Тарихий ҳужжатда айниқса, давлатнинг бошқарув соҳасидаги баъзи функцияларини давлат-хусусий шериклик асосида, аутсорсинг, яъни, давлат хизматлари кўрсатишни хусусий секторга топшириш ва краудсорсинг, яъни, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга одамларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш орқали хусусий секторга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги ташаббус ғоят долзарб, **– деди парламент қуйи палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Қаҳрамон ЭРГАШЕВ.** – Демократик тартиб-таомиллар устувор мамлакатлар синовидан ўтган бу каби давлат бошқаруви усуллари юртимизда ҳам ўзининг ижобий самарасини беради, деб ўйлайман. Албатта, бу борадаги ислоҳотларнинг тўла-тўкис рўёбга чиқарилиши кўп жиҳатга боғлиқ. Муҳими, ушбу жараёнда Олий Мажлис соҳанинг қонунчилик асосларини яратиши, ўз ваколати доирасида ислоҳотлар натижадорлиги юзасидан парламент назоратини, унинг барча таъсирчан усулларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишимиз лозим. Парламент, депутатлик корпуси давлатимизга ҳар соҳада яқин кўмакчи бўлиши даркор.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Мурожаатномада алоҳида тилга олинган "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастурлари ижросини тўлақонли юзага чиқаришда ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қилиб келаётган O'zLiDeP ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларида партия қуйи бўғинлари, депутатлик гуруҳлари ва электоратимиз кўмагида хайрли ишлар амалга оширилди. Жорий йилда ҳам давлатимиз раҳбарининг мазкур дастурлари тўлиқ ижросини таъминлашда бор куч-ғайратини сафарбар этиши партиянинг галдаги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Тадбирда **Олий Мажлис қуйи палатаси депутати Расул КУШЕРБАЕВ, партиянинг Тошкент вилоят Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Тўлқин Файзиев ҳамда Хоразм вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Жуманазар Қурбонов** ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Уларнинг эътироф этишларича, тараққиётимиз ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир. Лекин бюрократия ва солиқ, божхона ҳамда банк тизимидаги турли муаммолар инвестициялар оқимини кўпайтиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгроқ жалб этишга тўсқинлик қиляпти. Демак, бундан англашиладики, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси асосий электорати бўлмиш тадбиркор, ишбилармон ва фермерлар ҳаётига чуқурроқ кириб бориши, жумладан, ижроия қўмитанинг Бизнес тузилмалар билан ишлаш бўлими ҳамда жойлардаги партия ташкилотларининг иш бўлимлари фаолиятини янада кучайтириш жоиз.

Очиқ-ошкора, савол-жавобларга бой тарзда ўтган йиғилишда, шунингдек, ҳудудларда кадрлар масаласига ҳам алоҳида тўхталинди. Партиявий фаолият билан боғлиқ саволларга доимо тезкорлик ва аниқлик билан жавоб берадиган мукаммал кадрлар мактабини ҳар бир вилоят ташкилотида яратиш лозимлигига урғу берилди.

Давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида билдирган фикрларидан келиб чиқилган ҳолда O'zLiDeP томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Шунингдек, қўшма йиғилиш кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
**Солижон ЗОИРОВ (суратлар)**
**"XXI asr" мухбирлари**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказди. Унда O'zLiDeP депутатлик корпусининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича журналистларга атрофлича маълумот берилди.**

# Фракциянинг йил сарҳисоби



Брифингда таъкидланганидек, ўтган йили қонун ижодкорлиги самарадорлигини яхшилаш йўлида қатор чора-тадбирлар кўрилган. Агар 2016 йилда O'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида бор-йўғи 7 та қонун лойиҳаси киритилган бўлса, 2017 йилда ушбу рақам 18 та, 2018 йилда эса... 12 тани ташкил этди.

Парламент назоратини амалга ошириш ишлари ҳам сифат жиҳатидан ўзгарди. Жумладан, ўтган давр мобайнида Президентимиз таклифлари асосида Қонунчилик палатаси мажлисларида "ҳукумат соати" доирасида ҳукумат аъзоларининг, фракция йиғилишларида турли идоралар ва муассасалар раҳбарларини эшитиш механизми жорий этилди.

O'zLiDeP ташаббуси билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ҳудудларда аҳоли бандлиги масаласида йўл қўйилаётган расмиятчиликларни бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги, Қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида аҳолини барқарор нархларда ва узлуксиз равишда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда бу борадаги захирани шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг бориши тўғрисидаги фаолияти юзасидан ахборотлари эшитилди. Хуллас, ҳисобот даврида жами 14 та эшитув ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда парламентга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳамда Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини бажариш борасида бир қатор ижобий ишлар олиб борилиб, иккала концепцияни ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Юқоридагилардан ташқари, "Ғўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги", "Ҳосилга-ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги", "Yoshlar – kelajagimiz" ҳамда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурлари ижроси устидан парламент ва депутатлар назорати амалга оширилди.

Брифингда фракция аъзолари томонидан турли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарларига жами 113 та депутатлик сўрови юборилганлиги қайд этилди. Таъкидлаш лозимки, O'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан бу йўналишда анчагина фаоллик сезилмоқда, жумладан, 2016 йилда бор-йўғи 2 та депутатлик сўрови юборилган бўлса, 2017 йилда ушбу рақам 104 тага, 2018 йилда эса 113 тага етганлигини кузатиш мумкин.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг ўтган даврдаги фаолиятига бағишланган ахборот маълумот учун қабул қилинди. Йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Жаҳонгир АБДУРАҲИМОВ**

# Мурожаатномани тинглаб...

***Маълумки, 2018 йил адоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Осиё журналистлари ассоциацияси (AJA) томонидан "Йил одами" деб тан олинди.***

Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда тинчлик ўрнатиш ва мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилди. У ўзбек жамияти раҳбарлигига келганидан бери – иқтисодиётни очиш ва либераллаштириш ҳамда инсон ҳуқуқларини яхшилашга қаратилган сиёсатни ислоҳ этди.

Ўзбекистон Президенти сиёсий йўналишдаги танлов ғолиби бўлди.

Бу қитъада жаҳоннинг қарийб учдан икки қисм аҳолиси яшаши – Хитой, Япония, Сингапур, Ҳиндистон ва Араб Амирлиги давлатлари борлиги назарга олинса, бу танловда нафақат ғолиб чиқиш, балки, яқин боришнинг ўзи бир мўъжиза.

Осиё журналистлари танловидан кўп ўтмай Ўзбекистон Президенти Туркияда ҳам "Ўрта Осиёдаги йил одами" деб топилди.

Ҳа, Ўзбекистон тарихда нафақат меҳнат зафарлари – ер ости ва ер усти бойликлари, балки илм фан тарихидаги ўз ўрни ва интеллектуал салоҳияти билан ҳам бутун ер куррасини лол қолдириб келган. Дунё математикаси – Ал Жабрнинг отаси Муҳаммад Ал Хоразмий, жаҳон медицинаси – тиббиётнинг бобоси – Ибн Сино (Авиценна), юлдузлар оламининг буюк кашфиётчиси – Мирзо Улуғбек каби фарзандлари билан ўзбек халқи ҳақли равишда фахрланса арзийди.

Ана шу улуғ миллат ва давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йил якунига келиб ҳақли равишда – Осиёнинг буюк сиёсий раҳбари деб эътироф этилди.

Бу обрўли танлов баробарида – ўзбекистонлик нодир ақл-заковат соҳибларининг халқаро миқёсда қўлга киритган ютуқлари мазкур эътирофга ҳар томонлама муносиб бўлди: ўзбек ўғлонлари ўн олти ёшли ўсмирлар ўртасидаги жаҳон шахмат олимпиадаси олтин медалини Ўзбекистонга олиб келишди. Бу ҳам тарихда бўлмаган воқеа.

Ўзбекистонлик 16 ёшли шахматчи Шамсиддин Воҳидов норвегиялик гроссмейстер, амалдаги жаҳон чемпиони Магнус Карлсенни яккама-якка жангда мағлуб этди. Дунё матбуоти ва халқаро шахмат олимпиадасини ёритувчи жаҳон журналистлари бу ғалабани – йигирма биринчи аср шахмат оламининг энг катта шов-шувли воқеаси деб баҳолашди. Воҳидов қора доналарда ўйнаб, ютди. Бу шахмат оламидаги жуда катта сенсация деб эълон қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Шамсиддин Воҳидов 2018 йилнинг 24 ноябрь – 3 декабрь кунлари Туркиянинг Конья шаҳрида ўтказилган 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида жамоадошлари Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров ва Ситора Сапарова билан биргаликда биринчи ўринни эгаллаган.

Мана шу воқеаларнинг ҳаммаси – ўзбек Президентининг раҳбарлик қадами – Ўзбекистон учун қутлуғ ва хайрли келганига ёрқин далилдир.

Шавкат Мирзиёевга берилган бу мукофот мантиқан баҳоланса ва шарҳланса – у 2018 йилда Марказий Осиёнинг энг буюк раҳбари деган эътироф келиб чиқади.

Осиёнинг ана шу буюк раҳбари Ўзбекистон Парламентига қилган навбатдаги мурожаатномасида 2019 йилни Ўзбекистонда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилди.

Бу жуда тўғри ва одилона, мардона ташланган қадам бўлди. Чунки инвесторсиз, маблағсиз – иқтисодий баркамол истиқбол ҳам – келажак ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам Президент келгуси йилни – содда ва қишлоқча қилиб айтсак – иқтисодий пойдевор йили деб атади.

"Инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, иқтисодиётнинг юраги", деган Ўзбекистон Президенти айни пайтда, бу вазифани амалга ошириш осон эмаслигини ҳам таъкидлади.

Дарҳақиқат, улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало моддий асос бўлиши, Ўзбекистонда қурилажак Атом электр станцияларидан тортиб, бошқа йирик лойиҳаларгача ҳаммасига пул ва маблағ – инвестор керак.

Маблағни инвесторлар олиб келади. Инвесторлар учун, мамлакатда уларнинг тили билан айтганда – comfort zone – қулай ва ишончли иқтисодий шароит ва муҳит яратилиши, биринчи навбатда инвесторларни ишонтира олиш керак. Бу анча қийин масала. Интернет, ижтимоий тармоқлар яхши ишламайдиган жойга кўплар ишонч билан қарамайди. Табиийки, инвестиция киритиш ҳам осон бўлмайди.

Давлат раҳбари мазкур муаммони яхши билгани боис жамоат жойларида бепул Wi-Fi тармоқларини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади ва Вазирлар Маҳкамасига бир ой ичида бу масалада алоҳида дастур ишлаб чиқаришни топширди.

Мурожаатномада мамлакат тақдири, келажагига доир ўнлаб ўта долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Жумладан, энди Ҳукумат парламент томонидан сайланиб, унга ҳисоб беради;

– рақамли иқтисодиётни йўлга қўйиш ва коррупцияни кескин камайтириш;

– қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва уни тамомила кластерлаштириш;

– иқтисодиётда давлат улушини кескин қисқартириш чоралари кўрилади.

Шунингдек, Президент одамлар солиқ тўлашга ўрганиши ва ундан манфаатдор бўлиши кераклиги; ишсизликни камайтиришнинг ягона йўли – маҳаллий ҳокимлар ўз ҳудудини саноатлаштируви лозимлиги; ногиронлиги бор фарзанди бўлган оналарга алоҳида нафақа белгилаш ва пенсия тизимини ислоҳ қилиш; 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган болалар тарбияси ва ўқишига давлат томонидан инвестиция қилиш; ёшларга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш ва чет элларга бориб ўқиш имконини бериш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Мурожаатда жойларда саноатни комплекс равишда ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ишсизликни – асосан саноат ривожи ҳал қилади, бизда эса саноат ўлиб ётибди, деди Президент. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги ҳеч нарса бермайди, ижтимоий муаммоларни асосан саноат ҳал қилади. Доимий истеъмол бўладиган ва экспорт қиладиган тайёр маҳсулотларни – саноат яратади.

Бир пайтлар Ўзбекистонда маҳаллий саноат вазирлиги бор эди.

Маҳаллий дегани – қишлоққа кириб бориш ва саноатни қишлоққа олиб кириш демакдир. Масалан, қишлоқ жойларида жун, тери ва бошқа чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар қуриш керак. Саноат қишлоққа кириб борсагина бу муаммолар ҳал бўлади, бўлмаса йўқ.

Яқинда сурхондарёликлар етиштирилган тонна-тонна узумни қаерга қўйишни билмай "Озодлик" радиоси орқали Алишер Усмонов телефонини сўраб юришгани ёдимизда. Бу муҳим вазифани маҳаллий раҳбарлар ўз назоратига олсагина, мўл узум етиштирган боғбонлар ёрдам сўраб бошқаларга ялиниб юрмайди.

Президент таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалиги – бу полуфабрикат. Унинг маҳсулотларини саноатнинг қозонига солгандан кейингина – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олтинга, валютага айланади.

Асосий экинимиз пахта – тўла-тўкис тайёр буюмга айлансагина бойлик келтиради. Ҳар бир нарса ўзининг ҳақиқий баҳоси, яъни таннархига эга бўлади – қачонки у маҳсулотга айланса.

Масалан, уч метр матодан иборат материал – турса юз минг сўм туради. Уни тайёр костюм-шим қилиб, камида ўн баробар қимматига – бир ярим – икки миллион сўмга сотиш мумкин. Бунинг учун унга юксак технология киритиб, бор-йўғи уч-тўрт дона тугма қадаш кифоя.

Биз чеварнинг орқасидан қувмай, костюмнинг орқасидан қувиб Хитой ва Туркияга бориб, валюта тўлаб сотиб олиб келамиз. Костюм сотиб олган ўша валютамиз – ўша мамлакатларда қолади.

Юксак технология билан қуролланган чевар кичикроқ бир машинада бир кунда етти-ўн дона костюм чиқариши мумкин. Машина дегани, технология деганидир. Унинг тагида, замирида, асосида – саноат ётади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қишлоққа саноатни олиб кириш ва уни ривожлантириш ташаббуси шунинг учун ҳам таҳсинга лойиқдир.

Юқорида айтганимиздек,бундан кейин Парламентга катта ҳуқуқ бериладиган бўлди. Парламент Вазирлар Маҳкамасини тасдиқлайди. Вазирлар шу ерда ўз дастури, яъни программасини шакллантиради ва тасдиқдан ўтади.

Яъники, Президент Парламент даражаси ва нуфузини кўтариб юборди. Шу пайтгача Президент Фармони билан тасдиқланган ҳукумат ва унинг аъзолари энди Парламент томонидан тасдиқланади, унга ҳисоб беради...

Бу яхши, албатта. Лекин парламент аъзоларининг ўзи ва уларнинг салоҳияти ҳам шунга муносибми, ҳозирги парламентчилар – шундай масъулиятли вазифани бажара оладими? Буни энди келажак кўрсатади.

Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил якунига бағишланган бу тарихий нутқи икки ярим соатдан кўпроқ, салкам – уч соат давом этди.

Нутқда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳасига доир яна кўплаб муаммолар тилга олинди ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Битта мурожаатда бутун бошли мамлакатнинг барча жабҳаларини қамраб олиш, таҳлил қилиш қийин, албатта. Масалан, ўтган бир йиллик йўл оғир ва мураккаб йўл бўлгани, айрим соҳаларда жиддий камчиликлар содир бўлгани, ким қайси соҳани барбод қилгани айтилмади.

ББС ўзбек хизмати ёзгандек, Ўзбекистонда эскидан қолган ёпиқ сиёсий тузумни очиш юзасидан қатор муҳим қадамлар қўйилган эсада, ҳозирча йирик сиёсий ислоҳотлар режаси эълон қилинмади, партияларнинг фаолиятида кўп фикрли демократияга ўтиш суръати суст.

Шунинг учун бўлса керак, албатта, Президент ўз нутқида яна бир марта мавжуд сиёсий партияларни фаолликка ва халқни уйғонишга чақирди.

Ўзбекистон Президенти Мурожаатининг фазилатларидан энг муҳими, менинг назаримда шундаки, Шавкат Миромонович муаммоларни яширмади. Очиқ-ойдин ўртага ташланган фикрларга таяниб ишонч билдириш мумкинки, энди ўзбек матбуоти ҳам кучаяди – камчиликларга муросасиз бўлади. Мисол учун, университет ва институтларда ҳануз давом этаётган коррупция ва порахўрлик, соғлиқни сақлаш тизимидаги камчилик ва нуқсонлар, пуллик ва бепул тиббий хизматлар ўртасидаги аниқ чегараларнинг йўқлиги, бу соҳаларда то ҳануз давом этаётган таниш билишчилик, кўзбўямачиликлар, дори-дармон ва фармацевтика соҳасидаги қаллоблик, муттаҳамлик, ўғирлик ва юзсизликлар, собиқ Бош прокурор, собиқ бош солиқчи ва уларнинг ҳамтовоқлари ҳақида ҳам таҳлилий материаллар ёзилади.

Бир сўз билан айтганда Президент ўз Мурожаатномасида халқ қалбида, юрагида, дилида ва тилида турган ташвишу изтиробларни, орзу умидларни баён қилди.

Мурожаатномада кўтарилган масалалар ўзининг ана шу фазилатлари билан нафақат ўзбекистонликларни, балки бутун дунёдаги сиёсатчилар, журналистлар, давлат арбобларининг диққат-эътиборига сазовор бўлди. Ҳамма гап энди уларнинг ижросида.

**Исмат ХУШЕВ,**
**"Дунё ўзбеклари" сайти бош муҳаррири**
**Канада, Торонто шаҳри**
**ЎзА**

# Юракдан чиққан калом

Отам раҳматли "Катта қадам ташлаш учун катта орзу-мақсад бўлиши керак кишида. Шунинг учун ҳеч қачон майда-чуйдага ўралашма, мақсадни катта қилгин. Бундай одамнинг амали ҳам, ҳаракати ҳам қатъий бўлади-да. Яна энг кераги – ниятинг ҳам, мақсадинг ҳам тўғри бўлсин. Қолгани ўз йўли билан амалга ошаверади!" дердилар.

Болалик чоғларимда бу гаплар қатидаги маъно-моҳиятни тўлалигича англаб етолмаганим рост. Энди ўйлаб қарасам, падар ўгити шунчаки насиҳат эмас, улуғ аждодларимизнинг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан қатъий хулосалар экан...

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади. Президентнинг Янги йил остонасида туриб, халқ ва Ватан олдидаги мақсад ҳамда вазифалар ҳақида сўзлаши, худдики, оила соҳибининг ўз фарзандлари билан йил мобайнида амалга оширилажак режалар ҳақида ўртоқлашаётгандек таассурот уйғотади кишида.

Мурожаатноманинг энг таъсирли нуқталаридан бири наздимда шу бўлдики, юртбошимиз ўз сўзларини "Саҳиҳи Бухорий"да дарж этилган Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг, барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади, деган ҳадиси муборак билан бошладилар. Бу, шубҳасиз, шарқона лутфнинг энг юксак намунасидир. Шунингдек, Мурожаатномада бошдан оёқ халқни рози қилишдек олижаноб мақсад мужассамлиги ҳар бир қалбнинг энг нозик нуқталарига ҳам ҳаётбахш нур каби етиб боргани, уларга ҳарорат, куч-қувват бағишлагани аниқ. Зеро, юракдан чиққан калом юракларга етади-да!

Маълумки, 2019 йилга "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" дея ном берилди. Мурожаатномада йил давомида барча соҳаларда қилиниши зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Вазифаларки, фидокорлик ва ташаббускорлик, олий таълимни юқори босқичга кўтариш, эртамиз эгаларини баркамол қилиб тарбиялаш йўлида бор билим-салоҳиятимизни ишга солиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ҳамда хотин-қизларимизга кўмак бериш, тадбиркор ва ишбилармонларга шарт-шароит яратиб, экспорт салоҳиятини ошириш, диний бағрикенглик, экологик хавфсизлик, сув ва сув ресурурсларидан оқилона фойдаланиш, лўнда айтганда, замон билан ҳамнафас бўлишдан иборат.

Инвестициялар оқимини йўлга қўйиш осон иш эмас, албатта. Бунинг учун кишида катта билим, тафаккур ва ҳаракат бўлиши лозим. Дейлик, бир киши ўз корхонаси фаолияти учун янги технологиялар олиб киришини мақсад қилди. Бироқ у тил билмаса, таржимон ёлласа ишида унум бўлмайди, ўйлаган натижага эришмоғи кўнгилдагидек кечмайди. Демак, тадбиркорликни ривожлантиришни мақсад қилган ишбилармон, аввало ўз устида ишлаши, билимини ошириши, ҳамкорларининг тили, маданияти, урф-одатларини пухта ўрганишдан эринмаслиги керак. Яқинда бир устозимиз, ҳазил-чин қилиб "Энди мол-қўй боқиш учун ҳам диплом керак бўлади" деди. Албатта, бу сўз билан у киши фермерлик соҳасида иш юритмоқ истагидаги киши ҳам жаҳон тажрибаларидан бохабар бўлиши шарт демоқчидир.

Яқинда хорижий сафарда бўлдим. Биз турган меҳмонхонанинг ҳар бир номерида мамлакатда чиқадиган бир қанча энг нуфузли газета ва журналларнинг янги сонлари қўйилганини кўриб, ҳавасландим. Меҳмонхона хизматчисидан бунинг сабабини сўрадим.

– Сиз бизнинг юртимизга қанча вақтга келгансиз?

– Икки кунга.

– Икки кун кам, катта бир мамлакат ҳақида тўлароқ билиб олишга бу етмайди. Шу сабабли меҳмонхона маъмурияти энг нуфузли нашрларга обуна бўлган. Бу нашрлар сиз каби меҳмонларимизни ўлкамиз ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишингиз учун асқотади. Ва, юртимизни яна бир бор кўришга чорлайди.

Ҳа, мана буни ватанпарварлик деса бўлади. У нафақат ўз меҳмонхонасининг, балки бутун мамлакати манфаатини ўйлаяпти. Мамлакат туризми ривожига ўз ҳиссасини қўшишни истаяпти. Демоқчиманки, биз ҳам ана шундай ибратли тажрибаларни ўрганайлик, ўз фаолиятимизга татбиқ этайлик

Алломалардан бирининг фарзандларингизни замонага мос илму ҳунарлардан баҳраманд қилинг, чунки улар сизнинг эмас, ўз замонларида яшайдилар, қабилидаги ўгитлари борки, бу фарзанд тарбиясида ғоятда ўринлидир. Демак, ёшларимизни қай бир соҳада бўлмасин, фақат олдинга интилишга ундашимиз, энг илғор фан ва техника янгиликларини эгаллашга бўлган рағбатини қувватлашимиз лозим. Чунки дунё жадал ўзгариб боряпти, барча жабҳада янгиланиш, тараққиёт. Бугун ихтиро ҳисобланган ҳар бир янгилик эртага таомилдан чиқиб кетиши ҳеч гапмас. Биз бани башар олдида ўз бўй-бастимизни, ўзлигимизни кўрсатишни истасак, ҳар биримиз – оддий ишчи, муҳандис, фермер, ўқитувчи, олим, санъаткор, инвестор, ижодкорми... ким бўлмайлик, давр билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлишга интилмоғимиз лозим.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида Нажмиддин Кубро ҳазратларининг бир ҳикматига алоҳида урғу бергани бежиз эмас: "Муваффаққият саъй – ҳаракатда, муваффаққиятсизлик лоқайдлик ва дангасаликдадир".

**Ғайрат МАЖИД,**
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси ўринбосари

# Ҳалол меҳнат қадр топади

Депутат минбари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан англаганим шу бўлдики, эндиликда ислоҳотлар янада кенгроқ миқёс ва жадаллик касб этиб, Ватанимиз тараққиёт йўлида янада дадилроқ одимлайди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ушбу йилда ҳам тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар тизимли тарзда давом эттирилишини қайд этиб, "...биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз", дея таъкидлагани бошқа ишбилармонлар қатори мени ҳам мамнун этди. Айни пайтда Мурожаатномада баён қилинган вазифалар ҳам ишбилармон, ҳам депутат сифатида зиммамдаги масъулиятимни оширганини теран ҳис қиляпман.



Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва давлат бюджетига тўланаётган солиқларда тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб боряпти. Бинобарин, юртбошимиз ўз Мурожаатномасида инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кераклигини уқтирди. Бу фикрни астойдил қўллаб-қувватлайман.

Муболаға эмас, шахсан ўзим ҳам қонунларга итоаткор ишбилармонлардан бириман. Йигирма йил ҳалол ишлаб кам бўлганим йўқ. Ўтган давр мобайнида Фарғона шаҳрида "Сайқал" савдо ишлаб чиқариш корхонаси, "UD-audifon" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси, "Farg'ona polimer", "Far pribor" ва "Far-drilling chemicals" хусусий корхоналарини ташкил қилиб, 120 дан ортиқ кишини доимий иш билан таъминладим. Ҳозирда мазкур субъектларда 55 хилга яқин маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Даромадимиз ҳам шунга яраша, албатта. Ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг ошиб бориши натижасида давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган солиқ ва йиғимларимиз миқдори ортиб бормоқда. 2017 йили Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшган намунали солиқ тўловчи" дея эътироф этилиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирландим. Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида "Шуҳрат" медалига сазовор бўлдим.

Шу ўринда 2018 йил 12-13 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Президентимизга тақдим этган маҳсулотимиз – "Far-Spas" ўт ўчириш суюқлиги ва кукуни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. "Farg'ona polimer" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳар иккала маҳсулот ёнғинни қисқа фурсатда бартараф этиш имконини беради. Маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ ходимлари, республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқа тегишли идоралар мутахассислари иштирокида синовдан ўтказдик. Текшириш пайтида заводнинг 4х6 метр ва 3х5 метр ҳажмли ҳовузларидаги нефт ёқиб юборилди. Оловни корхонамизда ишлаб чиқарилаётган суюқлик билан 7 сонияда ўчиришга муваффақ бўлинди. Ҳовузлардаги нефтга иккинчи маротаба ўт туташтирилганда эса мутлақо ёнмади. Навбатдаги синовда қуруқ ёғочдан тўқима тарзида ясалган олтибурчак ўт олдирилди. Бу олов ҳам кўз очиб-юмгунча ўчирилди. Пировардида бизга 2018 йил 1 августда "Ўзстандарт" агентлигининг махсус сертификати берилди. Қолаверса, "Far-Spas" импорт ўрнини босиши билан ҳам ажралиб туради. Ҳозиргача шу турдаги маҳсулот хориждан жуда қиммат нархда келтирилган. Ўт ўчирувчи кукун ва суюқлигини етказиб бериш бўйича Тожикистон билан шартнома имзоладик.

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида хусусий секторга янада каттароқ имкониятлар яратилиши хусусидаги фикрлардан руҳланиб, янги ишларга қўл урдик. Чунончи, тошдан қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида саъй-ҳаракатлар бошладик. Шу йил охиригача истеъмолчиларга сифатли қоғоз етказиб бера бошлаймиз.

Мавриди келганда депутатлик фаолиятим ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. 2018 йилнинг 11 март куни халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги бўшаб қолган ўринлар учун бўлиб ўтган сайловда Фарғона шаҳридаги 5-"Бобур" сайлов округидан депутатликка сайландим. Албатта, билдирилган ишончни оқлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Юртдошларимизга берган ваъдаларимизни бажаришимиз шарт. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш бўйича сайлов округи ҳудудидаги "Жўйдам", "Совурбулоқ", "Ёрмозор", "Шаршара", "Шодлик", "Ипак йўли", "Мурувват", "Кимёгар", "Хўжамағиз" ва "Сурхтепа" маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан қизғин ҳамкорлик қиляпмиз.

**Абдураҳмон НИЁЗОВ,**
**Фарғона шаҳридаги "Farg'ona polimer" МЧЖ таъсисчиси, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси**

***Шамсиддин ҚОРАБОЕВ олган суратлар.***

O'zLiDeP фаолияти

Аҳолининг маълум бир қатлами манфаатини ифода этиш учун сиёсий партия, аввало, шу қатламнинг хоҳиш-истаги ва муаммоларини яхши билиши керак.

# Тарафдорлар билан юзма-юз

Бунинг учун эса сиёсий куч ўз электорати билан доимий алоқада бўлиши зарур. O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши хайрихоҳларимиз, тарафдорларимиз билан юзма-юз мулоқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Яқинда партия ҳудудий ташкилоти ходимлари Қизилтепа туманидаги "Тошработ текстил" хусусий корхонаси меҳнат жамоаси билан учрашди. Қайд этиш керакки, 500 ишчи-хизматчи ишлайдиган корхона йилига 6,5 миллион АҚШ долларига тенг трикотаж маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Мулоқотда сафдошларимиз сўзга чиқиб, партиянинг аниқ бир ижтимоий қатламга таянаётгани, унинг манфаатларини ҳимоя этувчи куч сифатида изчил ҳаракат дастурига эгалиги, партия мақсадларининг бунёдкорона моҳияти ҳаётда акс этаётгани ва O'zLiDeP фаолиятининг бошқа йўналишлари хусусида гапирдилар, қатнашчиларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

Учрашув сўнгида 50 нафар йигит-қиз партиямиз сафига ўтиш истагини билдирди.

**O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши матбуот хизмати**



# Тўғри йўлдан қайтмас авлод

O'zLiDeP Фарғона вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ҳамда Марғилон шаҳар партия ташкилоти томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганишга бағишланган туркум тарғибот тадбирлари ўтказиляпти. Ана шундай мулоқотларнинг навбатдагиси "Қатъий ҳаётий қарашлар ва ўз позициясига эга инсонни тўғри йўлдан қайтариб бўлмайди" шиори остида ташкил этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари жамиятда оиланинг ўрни, фарзанд тарбияси учун таълим маскани ва ота-она бирдек жавобгарлиги, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш орқали аёллар ўртасида учраб турган жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

– Соғлом, руҳан кучли, жисмонан бақувват авлодни тарбиялаш биз – аёлларнинг ҳам шарафли, ҳам масъулиятли бурчидир, – дейди Марғилон шаҳридаги 32-умумий ўрта таълим мактаби директори Умидахон Ёқубова. – Қизлар ўртасида миллий анъана ва қадриятларимизни янада кенгроқ тарғиб этиш, уларни ҳунарга йўналтириш, ёт ғоялар таъсиридан асраш, бўш вақтларини мазмунли-мақсадли режалаштиришига кўмаклашиш зарур. Менинг таклифим эса марғилонлик битирувчиларнинг энг фаолларини махсус имтиёзли сертификатлар билан тақдирлаб, аждодлардан мерос ҳунармандчилик бизнесини йўлга қўйишларида моддий қўллаб-қувватлаш механизмини яратишдан иборат бўлди. Бу таклифимнинг оммалашишида партия фаоллари ва маҳаллий кенгашлар депутатларининг кўмаги жуда муҳим.

Давра суҳбати давомида Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари томонидан 2018 йил давомида олиб борилган амалий ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида сўз юритилди.

Қизғин баҳс-мунозаралар якунида давра суҳбати иштирокчиларига партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

**Ш. ТОЛИПОВА,**
O'zLiDeP Фарғона вилоят Кенгаши матбуот котиби

Ҳудудлардан хабарлар

## АМАЛИЙ СЕМИНАР

O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Пастдарғом туманидаги жазони ижро этиш колониясида "Аёл бахти – жамият бахти" мавзуида амалий семинар ташкил этди.

Семинарда вилоят бандликка кўмаклашиш маркази, хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ички ишлар бошқармаси, "Оила" илмий-амалий маркази ҳамда тиббиёт ходимлари иштирок этди.

Тадбирда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган аёллар билан якка тартибда иш олиб бориш, уларга психологлар, тажрибали маҳалла оқсоқоллари, намунали оилалар иштирокида маслаҳатлар бериш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, аҳолига, айниқса, хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди. Бундай нохуш ҳолатлар пайдо бўлишига йўл қўймасликка қаратилган психологик дастурлар ишлаб чиқиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда хотин-қизлар ўртасидаги жиноятларнинг олдини олишда маҳалла раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини кенгроқ жалб этишга келишиб олинди.

Тадбир сўнгида O'zLiDeP "Аёллар қаноти" ташаббуси билан жазони ўташ колониясидаги 30 нафарга яқин хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди.

**O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот хизмати**

## ДАВРА СУҲБАТИ

O'zLiDeP Мирзо Улуғбек туман Кенгаши Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Унда Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, партия туман Кенгаши фаоллари, институтнинг профессор ўқитувчилари, ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

– Давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган Мурожаатномасини катта қизиқиш билан тингладик, – дейди O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Гўзал Халикулова. – Чунки Мурожаатномада барча соҳалардаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, хусусан, 2019 йилда бажарилиши зарур бўлган энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилди. Энди ушбу вазифалар ижросида фаол қатнашиш, ўз ҳиссамизни қўшиш учун бор билим ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Тадбирда партия вакиллари ва депутатлар Мурожаатнома мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда унда белгиланган устувор вазифалар ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Муроджон ЎРИНОВ,**
**O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби**

# Бердақ кубоги – ҳамкорлик самараси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси уставида кўрсатилган қатор вазифалар "Ўзбек жанг санъати" федерацияси фаолиятининг асосий мақсадлари билан мос келади. Хусусан, O'zLiDeРнинг юрт тинчлиги ва осойишталиги, миллатлараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлашда фаол катнашишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари "Ўзбек жанг санъати" федерациясининг ёшларни миллий ғояга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган интилишларига ҳамоҳангдир.




Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур сиёсий куч ва спорт ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётир.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида ўзбек жанг санъати бўйича илк бор Бердақ кубоги мусобақалари ташкил этилгани ҳам юқорида тилга олинган ҳамкорлик янада ривожланаётганидан далолат, десак муболаға бўлмайди. Янги форматдаги беллашувларнинг тантанали очилиш маросимида "Ўзбек жанг санъати" федерацияси президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Пўлат Усмонов, Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Ғайрат Байниязов, O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари Шарап Утемисов иштирок этиб, мамлакатимизда ёшлар учун яратилган шароитлар туфайли эришилган ғалабалар, келгусида бу борада режалаштирилган ишлар ҳақида сўз юритишди.

Мусобақаларда мезбонлардан ташқари республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри жамоалари муносиб қатнашишди. Муросасиз кечган баҳслар якунига кўра шоҳсупага кўтарилган ғолиб ва совриндор спортчиларга ташкилотчиларнинг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Айнан мана шундай турнирга қизиқиш ва эҳтиёж катталигидан келиб чиқиб, партия ва федерация мутасаддилари бу мусобақани кўчма кубок тарзда анъанавий ўтказишга келишиб олдилар.



**Бобуржон РАСУЛЕВ,**
**Халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, "Ўзбек жанг санъати" федерацияси вице-президенти**

Куласизми, куясизми?

Олдиндан айтиб қўяй: мажбурий обунага қаршиман ва вакти-замонида, бундан беш-олти йил илгариёқ бу ҳақда ёзганман: мажбурий обуна мамлакатда сўз эркинлиги бўғилгани учун бадалдир, деб. Яъниким, матбуот ўн икки ой мум тишлаб юргани учун йилда бир марта оғзига новвот ташлаб қўйилган. Машҳур кинода айтилганидек: "Ишламаган тишлайди!.. Ўрган, студент!".

амалга ошмай келаётган армони бижғимоқда – катта аудиторияга эга таълимий нашрларни жиловлаб олиш, бюджетдан ташқари маблағ топиш манбаига айлантириш. Шу режа етти бошли аждар каби ўлим билмайди, йил оша қандайдир йўллар билан яна кун тартибига чиқиб қолаверади

# "Маърифат"сиз қолган муаллимлар

## Умумий қозон муаммога ечим бўла оладими?

Ўрганган кўнгил ўртанмай қўймаслигини ўтган обуна мавсуми яна бир карра исботлади. 2017 йил адоғида дуч келинган қийинчиликлар, кейинги пайтда уюштирилган мажбурий обунага қарши кампаниянинг илмоқли ишораларидан матбуотимиз дарғалари етарли хулоса чиқара олди, десак адашамиз. Янги йил бошида ЎзА эълон қилган газета ададлари маълумотномаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим нашрларда мажбурий обуна ими-жимида, аллақандай йўллар билан амалланган *(атайин номма-ном санамадим, бош муҳаррирларнинг юзи иссиқ)*. Баъзи раҳбар журналистлар эса охири нима бўлар экан, деб вазиятни четдан кузатди ёки газета кимга керак бўлса, ўзи чиқарволади, дегандай бепарво қаради. Таҳририятни иқтисодий таъминлашнинг мажбурий обунадан ташқари ҳам йўли бордир, дея неча одам бош қотирди, шундан нечови муқобил чорани топа олди? ЎзА рўйхатида кўрсатилмаган, чунки етарли тираж тўплолмагани боис 1-сони чиқмай қолган "республиканский" газеталар ҳам бор эдики, уларга қарата ижтимоий тармоқларда трендга айланган "Уят! Уят!" деган гапдан бошқа нима ҳам дейиш мумкин?!

| Йил бошида қайси газета қанча нусхада чоп этилмоқда? | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Т/р | Нашрлар номи | 2019 йили | 2018 йили | Ўтган йилга нисбатан |
| 1. | "Халқ сўзи" | 60129 | 144165 | 84036 тага камайган. |
| 2. | "Маърифат" | 12700 | 52038 | 39338 тага камайган. |
| 3. | "Народное слово" | 13728 | 33763 | 20035 тага камайган. |
| 4. | "Ёшлар овози" | 4735 | 24014 | 19279 тага камайган. |
| 5. | "Қишлоқ ҳаёти" | 5834 | 21130 | 15296 тага камайган. |
| 6. | "Правда Востока" | 9073 | 24470 | 15097 тага камайган. |
| 7. | "Ўзбекистон овози" | 4315 | 13830 | 9515 тага камайган. |
| 8. | "Оила даврасида" | 900 | 7602 | 6702 тага камайган. |
| 9. | "Жамият" | 1500 | 7074 | 5574 тага камайган. |
| 10. | "Адолат" | 3378 | 8294 | 4916 тага камайган. |
| 11. | "Овози точик" | 1267 | 4883 | 3616 тага камайган. |
| 12. | "Ишонч" | 28025 | 31439 | 3414 тага камайган. |
| 13. | "Нурлы жол" | 1494 | 4304 | 2810 тага камайган. |
| 14. | "Маҳалла" | 23841 | 25651 | 1810 тага камайган. |
| 15. | "Ватанпарвар" | 43983 | 42246 | 1737 тага кўпайган. |
| 16. | "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" | 5661 | 5085 | 576 тага кўпайган. |

*2019 йил 4 январь ҳолатига кўра. ЎзА маълумоти асосида тайёрланди.*

Мени энг ҳайратлантирган ва ачинтиргани "Маърифат" газетасининг адади эди – 12 700! Яқин йилларда саксон мингнинг тагига бориб қоларди бу рақам. Янатағин, Ўзбекистон халқ зиёлиларининг нашри эмиш-а! Маориф тизимида ярим миллион атрофида одам ишлайди. Наҳотки атиги беш фоизи асосий таълим нашрига обуна бўлмаган бўлса?! Ўқитувчилар энг ўқимишли қатлам эмасми ахир?! Айрим тизимлар нашрининг тиражи бу йил ҳам чакана эмас, энди қиёслаб кўрайлик: қайси соҳада кўпроқ ходим бор? Шундай танг вазиятда ҳам нисбатан йирик ададда чиқаётган "жиддий" газеталар обунасининг қанча қисми таълим муассасалари ҳисобига тўғри келди экан?..

Сезиб турибман, миянгизда иштибоҳлар ғимирламоқда. Гап "Маърифат"нинг мазмунига, фойдалилик даражасига тақалса, бундан кўнгилни тўқ тутишга асос бор. Ўзим шу таҳририятда неча йил хизмат қилиб, ундан ҳам кўпроқ йиллар оддий газетхон сифатида кузатиб бориб, айниқса, чинакам зиёли педагоглар фикр-мулоҳазаларини эшитиб, "Маърифат"ни ҳар бир ўқитувчи ўқиши керак бўлган нашр дея бемалол айта оламан. Ҳозирча унинг ўрнини босадиган на сайт бор, на бошқа восита. Айниқса, Халқ таълими тизимидаги ислоҳотлар ва муаммолар, расмий ҳужжатлар, замонавий педтехнологиялар, илм-фандаги янгиликлар, дарсликларга қўшимча маълумотлар, тарбиявий материаллар... эҳ-ҳе, ҳамма-ҳаммаси ўқитувчининг қўлига тайёр қилиб тутилади. Олса, ўқиса, дарсига татбиқ қилса бўлгани.

Газета тиражи бунчалик тушиб кетишининг кўпгина омилларини санаш мумкин:

а) ахборот олишнинг муқобил йўллари кўпайгани (лекин ҳеч бири информацион тўқайда йўл кўрсатиш, *энг ишончли ва фойдали маълумотларни саралаш* вазифасини ўтай олмайди);

*б) матбуот тарқатиш тизимидаги муаммолар (обуна бўлдинг нима-ю, бўлмадинг нима – фарқи йўқ, барибир газета етиб бормайди ёки ҳаддан ташқари кечикади);*

*в) нашрнинг аудитория эҳтиёжини нечадир фоиз қондира олмаслиги эҳтимолини ҳам киритиш мумкин (Илгари ўқитувчилардан нима эътирозларинг бор, деб сўрасак, танқид бермайсизлар, дерди. "Замона зайли-да",* деб эгнимизни қисардик, кейинги икки йилда сўз эркинлиги эпкинлари эса бошлагач, ижодий жамоа бунинг ҳиссасини чиқарди, чамамда. Қолаверса, бугунги кўплаб ўқитувчилар фикрлашга эринишини, оғзига чайнаб берилишига мойиллигини, *тайёр дарс ишланмалари* босилса-ю, шахсий йиғма жилдларига лўп этиб солиб қўйишни хоҳлашини айтишга мажбурман);

г) энг асосий сабаб – *бу йил биз ҳўлу қуруқни баравар ёндирдик, шунақанги кампания уюштирдикки,* ҳамманинг хаёлида гўёки обуна бўлиш катта жиноятдек туюла бошлади, оқибатда энди бир йил муаллимлар "Маърифат"сиз қолмоқда (қарийб 10 мингта мактабга қарийб 13 мингта газета нечтадан тўғри келишини ҳисоблаб олаверинг; янаям лицей-коллежу институт-университетни саноққа киритмаяпмиз);

*д) психологик омилни-да* назардан қочириб бўлмайди, йиллар давомида молиявий мажбурлаб келинган ўқитувчилар бургага аччиқ қилиб, кўрпасини ҳам ёқди.

Нима бўлсаям, барибир Ўзбекистоннинг ярим миллионлик педагоглар армияси шаънига, савиясига илиқ сўзлар айтиб бўлмайди. Бир йил ўтиб, тўлқин яна ортга қайтсагина, ҳамма айбни психологик омилга тўнкаш мумкин...

Шунақа ўй-фикрлар билан қоврилиб юрганимда regulation.gov.uz сайтида **"Халқ таълими тизимидаги оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш тўғрисида"ги қарор** лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Кейинги пайтда қайсидир соҳани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларми ёки қўшимча чора-тадбирларми тўғрисида қарор-парор чиққудек бўлса, бунақа хабарларни эшитишдан юрак ҳовучлаб қолди халқимиз: ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да-а, деб. Шу кайфиятда матн билан таниша бошладим. Нима эмиш, "Халқ таълими нашриётлари" (?) ДУКмиш. Ўзларингни кулгига қўймасдан бирорта саводли журналистнинг назаридан бирров ўтказиб олсаларинг бўлмайдими, дейдиган валломат топилмабди. "Нашр" ва "нашриёт"нинг фарқини ажрата олмайдиган вазирлик ўнлаб газета-журналлар устидан қандай сиёсат юргизмоқчи – ҳайрон қоласан киши.

Олийжаноб мақсадлар шунақанги тизиб чиқилганки, беихтиёр кўзига ёш келади одамнинг. Айниқса, Тошкент шаҳрига доимий прописка ва имтиёзли ипотека кредитлари устида сўз кетганда... журналист "бечора"ларнинг ҳам манглайига офтоб тегадиган бўлибди-ку дея, "Келди замон, ўйнанг"га рақс тушиб кетишингиз ҳам ҳеч гап эмас *(ЎзА бу ҳақда суюнчилаб улгурди, ўзи)*. Аммо, лекин, бироқ... матбуот эркинлигини бунақа арзонгаровга пуллаб бўлмайди, бир-икки одамнинг шахсий манфаати деб иқтисодий мустақиллик билан хайр-хўшлашиш, молиявий бўйинтуруққа бош суқиб бериш ярамайди!

Гапнинг пўстқалласи шуки, "республикамиз аҳолисининг... тизимли равишда тўғри, асослантирилган ва мавзувий ахборотлар билан таъминланишини ташкил этиш, ... нашрларда бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, уларда самарали маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш...", Президентнинг фалон-фалон қарорини бажариш каби болохонадор мақсадлар кўрпаси тагида Халқ таълими вазирлигининг талай йиллардан бери – бунга ўзим ҳам гувоҳ бўлганман. Қарор лойиҳаси матнининг сатрлари орасидан ҳаммаси қўлимизга ўтсин, мажбурий обуна қилишни, катта тираж йиғишни кўрсатиб қўямиз кўзларингга, деганнамо айёр нигоҳ мўралаб турибди. Қолаверса, вазирликнинг қўлига қараб қолган нашрлар тизимдаги ҳақиқий аҳволга кўзгу бўлолмаслиги тайин, бош муҳаррирлар ҳам молиявий манбанинг қош қовоғига мўлтираб иш тутишга мажбур бўлади. Акс ҳолда, итоаткор бошқа журналистни топиш бугун ҳеч муаммо эмас.

Ёши улуғ журналистлар яхши эслайди, биз ҳам охирги оқоваларини кўриб қолганмиз, бир пайтлар газета-журналларнинг қозони "Келинлар қўзғолони" спектаклидаги каби умумий эди. Социализм принципларидан келиб чиқилган-да. Бозор механизмларига ўтилгани сайин бундай номақбул ёндашув эскиргани ўз-ўзидан аён бўла бошлади ва таҳририятлар бирин-кетин молиявий мустақиллик йўлини танлади. Жамиятимизнинг барча жабҳаларига инновациялар татбиқ этилаётган бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги унутилган эскиликдан инновацион янгилик яратишга, таълим нашрларини яна "колхозлаштириш"га ҳаракат қилмоқдами?! Буни газета-журналлар мисолида "Келинлар қўзғолони 2" спектаклини саҳналаштириш деб баҳоласак бўлар, балки...

Мақолани горизонталига эмас, вертикалига ўқийдиганлар учун бутун фикрларимни лўнда қилиб хулоса ясайман: Матбуот иқтисодий мустақил бўлмас экан, ижодий мустақил ҳам бўла олмай-ди!

**Фаррух ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси**

Таълим ва самара

# Ўтган бир йил

## афғонистонлик талабалар қалбига қандай муҳрланди?

***Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятига яқинда бир йил тўлди. Хўш, бу вақт талабаларнинг хотирасига қандай муҳрланди? Бир йил ичида таълим маркази қандай ютуқларни қўлга киритди?***

***– Айни пайтда 96 нафар талаба ўзбек тили ва адабиёт, 26 нафар талаба эса темир йўл йўналиши бўйича таҳсил олмоқда, – дейди таълим маркази директори Ойбек Рўзиев. – 750 ўринли ўқув биноси, 180 ўринли фаоллар зали, футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдонлари, 100 ўринли талабалар турар жойи, физика, кимё лабораториялари илмга чанқоқ йигит-қизлар ихтиёрида. Яна 300 ўринли талабалар турар жойининг қурилиш ишлари бошлаб юборилган.***

***Муассасада назария ва амалиёт уйғун олиб борилади. Талабалар дарсларда олган билимларини амалда мустаҳкамлаб бориш учун Термиз туманидаги 16, 17 ва 21-мактабларда ўқувчиларга сабоқ беришмоқда. Муаллимликнинг илк тажрибасини ўша ерда ўтаяптилар.***

### Боланинг бўш вақти – душманнинг иш вақти

Бу замонавий ибора муассаса директоридан тортиб барча талаба ва ўқитувчиларнинг шиорига айланган. Ҳар бир йигит-қизни ўз иқтидори ва қизиқишига қараб касб-ҳунарга йўналтириш йўлга қўйилган.

– Бир устозга 8 нафар талаба бириктирилган, – дейди Ойбек Рўзиев. – Ўзимдан бошлаб барча ўқитувчилар, ахборот-ресурс маркази ходимлари, ҳатто ҳисобчига ҳам талабаларни бириктириб, "Устоз – шогирд" анъанасини йўлга қўйдик. Бу эса бир йил давомида ижобий самарасини берди.

Марказда ёш журналист, ёш дастурчи, 6 та тасвирий ва халқ амалий санъати, 7 та спорт, 8 та фан тўгараги фаолият олиб бормоқда. Кулолчилик билан 5 нафар, ҳайкалтарошлик билан эса 6 нафар талаба шуғулланади. Самиуллоҳ Носратий ҳам улардан бири. У ясаган бири-биридан ғаройиб ҳайкалчаларни кўриб, ақлингиз шошади. Қадимий обидалар акс эттирилган сувенирларда кичик моторча ёрдамида мўъжазгина шаршара ҳосил қилинган. У шундай аквариум ҳам ясамоқда. Самиуллоҳ ушбу йўналиш бўйича келажакда бизнесини йўлга қўйишни ҳам кўнглига туккан.

– Ҳайвон ва қушларнинг ҳам ҳайкалчаларини ясаяпмиз, – дейди Самиуллоҳ Носратий. – Ясаганларимизни "Surxon Termiz Chinni" корхонасига тақдим қилгандик, туя, кабутар, китоб ва яна бошқа ишланмаларимизни маъқуллашди ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқда. Эвазига ҳақ тўланадиган бўлди.

### Сомондан яратилган санъат асари

Сомон санъати тўгарагида алломаларимизнинг сомондан ясалган суратлари кўзингизни қувнатади. Улар мўйқаламда чизилган тасвирий санъат асаридек тиниқ. Айниқса, писта ва данак пўчоқларидан яратилган бежирим намуналарни кўриб, "Маҳоратингизга балли!" деб юборасиз.

– Айни пайтда афғонистонлик талабалардан етти нафар шогирдим бор, – дейди тўгарак раҳбари Сабина Қаюмова. – Ясаганларидан ўзлари завқ олишади, мен ҳам қувонаман. Бу санъат тури кишидан эҳтиёткорлик, ўта сабрлиликни талаб этади. Ижодий қобилиятни ривожлантириб, янги ғоялар сари илҳомлантиради.

Айтганча, Зулфия номидаги Давлат мукофотига вилоятимиздан номзодларни саралаш учун ўтказилган танловда Сабина Қаюмованинг ишлари юқори баҳоланди ва республикага йўлланма олди. "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" II республика танловининг вилоят босқичида ҳам Сабинанинг ишлари фахрий ёрлиқ билан тақдирланди, устози Ўролтош Хуррамова ҳам вилоят хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Марказ ёшларининг эришган ютуқлари кўп. Ҳамма соҳадан бор. Масалан, вилоятимизда ўтказилган кўплаб умумхалқ тадбирлари ва фестивалларидаги фаол иштироки учун "Энг яхши фольклор қўшиқ ижрочилари" номинацияси бўйича биринчи ўринни, вилоят миқёсидаги "Ёшлар келажак бунёдкори", "Дўппи", "Онлайн журналист", "Юксак маънавиятли авлод", "Ташаббус – 2018" каби танловларда фахрли ўринларни эгаллашди. Яқинда бўлиб ўтган "Йил аёли 2018" кўрик-танловининг ҳудудий босқичида ҳам ўқитувчи Саёра Тўраева иккинчи поғонани забт этди.

### Магистратура ҳам очилади

– Марказ фаолиятини кенгайтириш, 17 та олий таълим, 16 та ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналишини ташкил этиш кўзда тутилган, – дейди профессор Чори Жумаев. – Темир йўл соҳаси бўйича эса яна 500 га яқин талаба ўқитилади. Магистратура таҳсили ҳам йўлга қўйилади. Бу йил 250 нафар бакалавр, 36 нафар магистратура босқичига афғон талабаларини ўқишга қабул қиладиган бўлдик.

Ўз фарзандига раво кўрганини бошқаларнинг фарзандига ҳам илиниш инсонийликнинг юксак кўринишларидан саналади. Ўзбекистоннинг афғон халқи болаларини илмли, ҳунарли қилишдек тутган эзгу йўли кун келиб ўз мевасини бермай қолмайди.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА
Сурхондарё вилояти**

Депутатлик гуруҳларида

# Дастур лойиҳаси муҳокама қилинди

O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Тегишли соҳа вакиллари, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари иштирок этган йиғилишда Президентимизнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидан келиб чиқувчи асосий вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

"Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилишда партия ва унинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик гуруҳларидан алоҳида фаоллик талаб этилиши таъкидланди.

– Президентимиз Мурожаатномада ҳар бир соҳани алоҳида таҳлил этар экан, халқимизни қийнаётган, тараққиётимизга ғов бўлаётган муаммолар ҳақида очиқ гапириб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатди, – дейди O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши раиси Шавкат Сафарбаев. – Айнан жаҳон тажрибасига таянган ҳолда қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришганини таъкидлади. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келишини қайд этди. Бу таклиф ва илгари сурилган ғоялар эса барчамиздан юрт тақдирига масъулиятли бўлишни талаб этади.

Тадбирда ўтган 2018 йилда партия фаоллари хонадонма-хонадон юриб, халқ билан мулоқот қилгани, учрашувлар давомида аҳолини қийнаб келётган қатор муаммолар жойида ҳал этилгани, шунингдек, "Ҳар бир оила тадбиркор", "Yoshlar – kelajagimiz" давлат дастурлари доирасида кўплаб ёшлар, хотин-қизлар ўз бизнесини бошлашгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" давлат дастури лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

**O'zLiDeP Хоразм вилоят
Кенгаши матбуот хизмати**

Қарор

Ўзбекистон бундан кейин ҳам пахта етиштириш бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлардан бири бўлиб қолаверади. 2019 йили ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги ҳукумат қарори ана шундай хулосага асос беради.

Мазкур ҳужжатда баён қилинганидек, 2019 йили 1 миллион гектардан ортиқ майдонга пахта экиш режалаштирилган. Эътиборлиси, ҳокимликлар ва тегишли масъул ташкилотларга жорий йилда пахтадан қисқартирилган ер майдонларига пахтани қайта жойлаштирмаслик бўйича назоратни кучайтириш топширилди.

Хўш, 2019 йил пахтанинг нархи қандай бўлади? Қарорга биноан ушбу йил ҳосилидан етиштириладиган ўрта толали ғўзанинг 2-саноат нави 1-класс пахта хомашёсининг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 4 000 000 сўм этиб белгиланди. Андижон вилоятида пахта ҳосили учун 50 минг гектар майдонда плёнка остига чигит экилади.

## Жорий йилда қанча ерга чигит қадалади?

Яна бири янгилик шуки, пахта ҳосили учун экишга мўлжалланган уруғлик чигит "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти ёки пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотлари тизими доирасида реализация қилинганда ёки фермер хўжаликларига сотилганда қўшилган қиймат солиғидан озод этилади. Шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда экилиши белгиланган ғўза навларини мустақил равишда жойлаштириш ҳуқуқи берилди.

Бизнинг суҳбат

# Бирлашсак — марра бизники!

Ўтган йили Андижон вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга сидқидилдан ёндашилди. 2018 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши, кутилган натижаларга эришилгани катта ютуқ, албатта. Амалга оширилган ишлар хусусида Андижон вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Бегали ҚОДИРОВ билан суҳбатлашдик.



**– Кейинги вақтда фермер хўжаликларини кўп тармоқлига айлантириш кўлами янада кенгайди. Ана шу жараён янги йилда қандай кечади?**

– Бу борада 2019 йил учун ҳам ҳудудий ва туман дастурлари 18 та йўналиш бўйича ишлаб чиқилган. Шунга кўра 1 минг 590 та фермер хўжалиги томонидан 1 минг 678 та лойиҳа ишга туширилади. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 152 миллиард 127 миллион сўмга тенг: бунинг 111 миллиард 33 миллион сўми фермер хўжаликлари маблағи, 41 миллиард 94 миллион сўми тижорат банклари кредити ҳисобидан сарфланиб, 5 минг 325 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда. Тасдиқланган дастур 2018 йил 25 ноябрь куни Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тақдим этилди.

**– Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги "Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятда самарали ишлар олиб борилгани кўзга ташланяпти...**

– Мазкур ҳужжатга асосан Андижон вилояти ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ вилоятда 6 минг 782 гектар майдонга сабзавот, 961 гектар майдонга полиз ва картошка, 3 минг 697 гектар майдонга дуккакли, 1 минг 600 гектар майдонга мойли экинлар, 10 минг 10 гектарга боғ қатор орасига ҳамда 1 минг 433 гектар ток қатор орасига сабзавот экинлари экилиши белгиланган тартибда бажарилди. Шунингдек, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси билан биргаликда аҳоли томорқалари ва фермер хўжаликлари томонидан 2019 йил ҳосили учун август-сентябрь ойларида пиёз ва саримсоқпиёз экинлари экилиши бўйича штаб ташкил қилинди ва кунлик мониторинг тизими йўлга қўйилди. 125 минг 728 та томорқа хўжалиги томонидан 8 минг 841 гектар майдонга тўқсонбости экинлар экилди. 2018 йилнинг 1 декабрь ҳолатига 1 минг 474 гектар майдонни тўқсонбости экинлар эгаллади. Шундан 870 гектарга пиёз, 29 гектарга сабзи, 28 гектарга ош лавлаги, 528 гектарга кўкатлар экилди.

**– Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, вилоятда пахтачилик ва ғаллачилик бўйича катта мактаб яратилган. Ўтган йили ана шу йўналишлар бўйича қандай ютуқлар қўлга киритилди?**

– 2018 йилда вилоятдаги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари билан кенгашимизга аъзолик шартномалари тўлиқ имзоланди. 3 минг 607 та ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига 2019 йилги ҳосил учун имтиёзли кредит ҳисобидан 870 миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шундан сентябрь-ноябрь ойларида 329 миллион сўм маблағ жамғарма томонидан ажратилди ва унинг 95 фоизи ўзлаштирилди. Қолган 16,2 миллион сўм маблағни ўзлаштириш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Шу ўринда аччиқ ҳақиқатни тан олиш жоиз. Кунини бекор ўтказиб, бугуннинг ишини эртага қўяётган, ўз юкини ўзгалар елкасига юклашга ўрганиб қолган 4 минг 40 та фермер хўжалигига огоҳлантириш хати берилди.

Фидойи фермерларнинг меҳнати боис бошоқли экинлар парвариш қилинган 78 минг 200 гектар майдондан ҳар йилгидан кўра юқори ҳосил кўтарилди. Давлатга 288 минг 771 тонна сифатли ғалла сотилиб, бу борадаги режа 118,3 фоизга бажарилди. Андижон, Олтинкўл, Избоскан, Марҳамат, Асака туманлари ғаллакорлари эришган ютуқлар залворли бўлганини қайд этиш керак.

**– "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти тўғрисида нима дея оласиз?**

– Устав фондини шакллантириш учун "Томорқа хизмати" МЧЖларга муайян маблағлар ажратилиши кўзда тутилган. Айни кунгача Қўрғонтепа туманидаги "Дардоқ томорқа хизмати" МЧЖга устав фондини шакллантириш учун 150 миллион сўм, Асака туманидаги "Обод диёр томорқа хизмати" МЧЖга 250 миллион сўм, Олтинкўл туманидаги "Олтинкўл томорқа хизмати" МЧЖга 150 миллион сўм, Балиқчи туманидаги "Асия Балиқчи туман томорқа хизмати" МЧЖга 50 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган. Ҳозирда Андижон туманидаги "Агропродукт экспорт томорқа хизмати" МЧЖнинг ҳужжатлари тайёрланмоқда. Мазкур тузилмалар ажратилган маблағлар эвазига 2019 йил ҳосили учун аҳоли хонадонларига тўқсонбости экинлар экилишини ташкиллаштиради, уруғлик ва кўчатлар етказиб беради. Қолган маблағлар амалга оширилган ишларга қараб босқичма-босқич ажратилиши кўзда тутилган. Жамғарманинг 16 фоизли кредит линияси орқали Андижон шаҳридаги "Томорқа хизмат агро" МЧЖ "Агробанк" амалиёт бўлимидан 800 миллион сўм, "Асрор томорқа хизмати" МЧЖ "Халқ банки" амалиёт бўлимидан 100 миллион сўм, Бўз туманидаги "Марказий томорқа хизмати" МЧЖ "Микрокредитбанк" амалиёт бўлимидан 200 миллион сўм кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштирмоқда. Ушбу маблағлар белгиланган меъёрларда деҳқончиликнинг оилавий пудрат йўналиши ривожига сарфланади.

**– Қишлоқ хўжалигига инновацион ғояларни татбиқ қилиш изчил амалга оширилаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Андижонда кластер усулини жорий этиш ишлари қандай бормоқда?**

– Кластер усулининг жорий этилаётгани қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар суръатини тезлаштирмоқда. Вилоятимизда пиллачилик ва картошкачилик бўйича кластерлар ташкил этилди. Янги усулни пахтачиликда ҳам татбиқ қилиш бўйича дастлабки қадамлар ташланди. Қўрғонтепа туманидаги кластерда ғўза парваришининг ўзидан 9,5 миллиард сўм тежалди, пахта етиштириш ҳажми 2017 йилдагига нисбатан ортди. Мазкур кластер тизимида пахта хомашёсини қайта ишлайдиган, тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи қамраб оладиган йирик ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этилмоқда. 2019 йили яна бир қатор туманларда пахта етиштириш кластер усулида олиб борилади. Пахта ҳосили ўша ҳудудда барпо этиладиган тўқимачилик корхоналари учун хомашё бўлади, аҳолининг бандлик даражаси ортади. Ташқи бозорга фақат тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Деҳқончиликда замонавий техника воситалари қўлланилишига вилоятимизда алоҳида аҳамият берилмоқда. 2018 йили иш унуми юқори 501 та техника воситаси 82 миллиард 522 миллион сўмга харид қилинди. Мазкур тадбирлар ҳам кластер усули шаклланишида катта аҳамият касб этади.

**– Янги йил аввалида қишлоқ хўжалиги фидойиларига қандай тилакларингиз бор?**

– Соҳа фаолларига, оилавий пудратчиларга айтар сўзим: бирлашсак, марра бизники бўлади. Фаровонликнинг асосини яратаётган олтин қўлларингиз, меҳнатда тобланган тану жонингиз омон бўлсин! Янги йилда барчамизга юксак хирмон, янги ютуқлар, янги муваффақиятлар ёр бўлсин!

**"XXI asr" мухбири
Зилола РАҲМОНОВА
суҳбатлашди.**

Янги қонун моҳияти

# Медиация – ярашув энг қулай йўл

Юртимизда бозор иқтисодиётига асосланган муносабатлар жадал ривожланиб борар экан, субъектлар ўртасида турли низолар вужудга келиши муқаррар. Бундан ташқари, мавжуд амалиёт оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқаётган низоли ҳолатлар кам эмаслигини ҳам кўрсатмоқда. Тарафлар низонинг ечимини топиш мақсадида анъанавий йўлни танлашга, яъни судга мурожаат қилишларига тўғри келади.

Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низони судгача олиб бормасдан, муқобил йўл билан ҳал қилишга қаратилган медиация – яраштирув жараёни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Юртимизда ҳам чинакам бозор механизмларининг амалга оширилиши соҳасини тартибга солувчи зарур ҳуқуқий замин яратилишини талаб қилади.

"Медиация тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятли. 2019 йил 1 январдан кучга кирган бу қонун ҳақида фикр юритганда, авваламбор, "медиация" сўзининг луғавий маъносига тўхталиш лозим. Воситачилик маъносини англатувчи бу атама инглизча "mediation" сўзидан олинган бўлиб, жаҳоннинг кўплаб давлатларида низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг энг мақбул усули сифатида тан олинган.

Шу ўринда айрим саволлар туғилиши ҳам табиий: ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши халқимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига нечоғлик хизмат қилади? Қайси соҳадаги ижтимоий муносабатлар медиация орқали тартибга солиниши мумкин?

Айтиш жоизки, шиддат билан ривожланиб бораётган айни замонда фуқаролик, иқтисодий ва меҳнатга оид низоларни медиация ёрдамида ҳал этиш тарафларнинг қимматли вақти ва маблағини тежаши баробарида, улар ўртасидаги дўстона муносабатлар сақланишига ҳам замин яратади. Зотан, ушбу низоларни суд тартибида ҳал этиш ва суд қарорининг ижросини таъминлаш муайян муддатларни талаб этибгина қолмай, аксарият ҳолларда чиқимларга ҳам сабаб бўлишидан кўз юмолмаймиз.



Нисбатан бирмунча содда ва қулай медиация усулидан фойдалана олиш учун эса унинг мазмун-моҳияти, афзал жиҳатлари ва қандай тартибда қўлланишини билиш ғоятда муҳим. Шу нуқтаи назардан, янги қонуннинг айрим нормаларини кенгроқ шарҳлаш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Медиация махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади. Мазкур принципларга оғишмай риоя этиш низоларни адолатли ва оқилона ҳал этишнинг муҳим омилидир.

Қонунда медиация иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, тарафлар ва медиатор медиация иштирокчилари бўлиб, жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам иштирокчи бўлиши мумкин. Тарафларнинг медиаторни ихтиёрий танлаш ва ундан воз кечиш, медиацияда шахсан ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқлари бўлиб, тарафлар келишувни назарда тутилган тартиб ва муддатларда бажаришга мажбур.

Медиаторлар фаолияти профессионал ёки нопрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин. Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек, Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс профессионал асосдаги медиаторлик фаолиятини амалга оширади.

Албатта, ушбу ўқув курсида нопрофессионал асосда медиаторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ҳам таҳсил олиши мумкин. Бу кейинчалик унга ушбу фаолият билан профессионал асосда шуғулланиш имконини беради ҳамда профессионал медиаторлар реестрига киритиш учун асос бўлади. Давлат вазифаларини бажариш учун ваколат берилган ёки унга тенглаштирилган, муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган, жиноий таъқиб остидаги шахслар ушбу фаолият билан шуғуллана олмайди.

Шу ўринда низоларни тинч йўл билан ҳал этишдек хайрли ишни амалга оширадиган шахс муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши зарурлигига эътибор қаратмоқчимиз. Ҳужжатда медиаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу ҳуқуқлардан унумли фойдалана биладиган ҳамда мажбуриятларини тўлиқ адо этадиган шахсларгина медиатор сифатида ҳурмат ва эътибор қозона олади.

Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади. У суддан ташқари тартибда, низони суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага – маслаҳатхонага киргунига қадар қўлланилиши мумкин. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда тузилади. Келишувда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши даркор.

Тартиб-таомилни амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади. Суд муҳокамаси жараёнида, низони ваколатли давлат органида кўриш асносида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли давлат органининг юритувида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади. Низо келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим.

Давлат органи иштирокида низо келиб чиққан тақдирда, давлат органи медиацияни қўллаш бўйича чоралар кўриши керак. Келишув тузилган кундан эътиборан тартиб-таомил бошланади. Дарвоқе қонун оддий ва содда тилда ёзилган бўлса-да, унда муайян жиҳатлар, чунончи медиатив келишувни мажбурий ижро этиш ва у бўйича ижро варақасини беришга оид қоидалар тартибга солинмаган. Фикримизча, айнан шу жиҳат ҳам эътиборга олинганида мақсадга мувофиқ бўларди.

Умуман олганда мамлакатимизда ушбу қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларни ривожлантиришни, соҳада умумэътироф этилган халқаро стандартлар даражасига чиқишни мақсад қилганмиз. Ҳозирда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, араб давлатлари, Россия Федерацияси ва қўшни Қозоғистон Республикасида медиация кенг қўлланилади.

Мухтасар айтганда, ҳар қандай янгилик сингари медиация институти ҳам амалда синаб кўрилганидан кейингина унинг ижобий жиҳати, афзалликлари аниқ намоён бўлади. Ўйлаймизки, мазкур қонун жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган фуқаролик, меҳнатга оид ва иқтисодий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳамда тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

**Сунбула УМАРОВА,
Акмал АЛИЕВ,
Республика Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари**

Ҳамкорлик

Ҳар биримиз ер қимирлашининг ваҳимасини бошдан кечирганмиз, албатта. Мутахассисларнинг билдиришича, Ўзбекистоннинг ярмидан кўпроғи сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Кейинги 150 йил мобайнида Тошкентга жиддий талафот етказган ўнта кучли зилзила содир бўлган. Ўз-ўзидан аёнки, бинокорларимиз мазкур омилни қатъий ҳисобга олган ҳолда иш юритадилар. Бу борада бизда муайян услублар, анъаналар шаклланган. Жаҳонда мазкур йўналиш узлуксиз такомиллашяпти, янги технологиялар пайдо бўляпти.




# Япония тажрибаси

## зилзилага бардошли бинолар қуришда бизга асқотиши мумкин

Яқинда ёш олим, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти катта илмий ходими Анвар Ювмитов Япония халқаро ҳамкорлик ташкилоти (JICA) томонидан Токио шаҳрида ташкил қилиниб, бир ой давом этган "Бино ва иншоотларга турли офатлар (зилзила, цунами, ёнғинлар) таъсирини камайтириш" мавзуидаги семинар-тренингда қатнашиб қайтди. Бундай семинарнинг айнан Японияда ўтказилиши бежиз эмас. Ушбу мамлакатда ҳар йили катта-кичик юзлаб зилзилалар рўй беради. Охирги юз йилда учта ўта вайронкор ер силкиниши юз берган. Шунга қарамай, Кунчиқар юртда осмонўпар бинолар бисёр. Демак, зилзилабардош иншоотлар қуриш бўйича мазкур давлат мутахассисларидан анча-мунча ўрганиш, талай тажрибаларни ўзлаштириш мумкин.

– Семинар-тренингда Ҳиндистон, Бутан, Филиппин, Непал, Мьянма ҳамда Эль-Сальвадор давлатларида архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича фаолият юритаётган мутахассислар ҳам иштирок этишди, – деди Анвар Ювмитов биз билан суҳбатда. – Машғулотларни Япониянинг энг таниқли олим ва экспертлари олиб боришди. Доктор Нарафу, профессорлар Сунохара, Ишияма, Саито, Тамура, Оказаки Кержи, Кобайаши ҳамда фан докторлари Мукай, Хасегава, Ивами, Наоки, Йокои, Хайашида, Фужи, Киучи ва бошқалардан таҳсил олдик. Кобе, Киото ва Цукуба шаҳарларидаги илмий-тадқиқот марказлари фаолияти билан яқиндан танишдик. Мисол тариқасида янги бир технологияни тилга олиб ўтаман. Япониялик айрим муҳандислар қуйидагича мушоҳада юритишган: зилзила фақатгина ерда турган унсурлар учунгина хатарли. Заминдан озгина бўлса-да узилган объектларга эса бу офат ҳеч қандай зиён етказа олмайди. "Air Danshin Systems Inc." конструкторлик компанияси томонидан "муаллақ уй"лар яратилишида ана шу концепция асос қилиб олинган. Уч-тўрт хонали чоғроқ уй пойдеворига бириктирилган махсус электрон қурилма ер силкиниши бошланган заҳоти компрессорларга сигнал юборади ва пойдевор ичидаги бўшлиқлар – каналлар юқори босимдаги ҳаво билан тўлади. Бир сония ўтар-ўтмас иморат уч сантиметр баландликка кўтарилади. Ер қимирлаши тўхтагач, клапанлардан секин-аста ҳаво чиқарилади ва уй оҳиста яна жойига ўрнашади. Ҳозирда Кунчиқар мамлакатдаги 400 дан зиёд уй ана шундай мослама билан жиҳозланган. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу технология бошқа талай усулларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб туради. Кўпқаватли бинолар учун эса бошқа кўплаб усуллар қаторида вертикаль пўлат каркаслар технологияси ҳам ишлаб чиқилган. Панжарасимон махсус рамалар, тросслар иншоот қаватларини пойдевор билан бирлаштириб туради. Бино деворлари ер қимирлашига монанд равишда тебранаверади, бироқ жойидан силжимайди, қулаб тушмайди. Шунингдек, ушбу ўлкадаги биноларда зилзила энергиясини сўндирувчи демпферлар ва актуаторлар кўринишидаги қурилмалар ҳам кенг қўлланиляпти. Японияда 8839 та актив сейсмик ҳимояли улкан бино қурилган. Хуллас, бу давлатда эътиборга молик турли-туман технологиялар кўп.

Шу ўринда юртимизда ҳам биноларнинг зилзилабардошлилиги борасида бир қанча ишлар олиб борилганини қайд этиш зарур. Масалан, 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти етакчи олимлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида иккита 9 қаватли 36 квартирали 148-сериядаги йирик панелли бино қурилган. Бу биноларнинг биринчисида сейсмоизоляция таянчлари ўрнатилган ҳамда иккинчи ёнма-ён бино асоси мавжуд меъёрларга асосланган ҳолда қурилган. Тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, бу биноларда сейсмоизоляцияга эришилган. Паст частотали зилзила таъсири икки баробаргача, юқори частотали зилзила таъсири эса икки баробардан зиёдроқ камайтирилган. Ҳозирги кунда ушбу йўналиш бўйича Тошкент архитектура-қурилиш институти ва ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳамкорлигида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

Яна асосий мавзуга қайтсак. Японияда уй-жойлар қурилишида, анъанага кўра, ёғоч ҳам жуда кўп ишлатилади. Бу эса ёнғин келтириб чиқарувчи омиллардан биридир. Цукуба шаҳридаги Биноларни тадқиқ қилиш институтида бўлиб, иншоотлар конструкцияларининг оловбардошлилиги бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан танишдик. Бу ерда махсус асбест гранулали қоришма ихтиро қилинган. Пўлат конструкциялар 10 см қалинликда ана шундай қоришма билан қопланганида алангага чидамлилиги 3,5 соатгача таъминланиши амалиётдаги синовлар чоғида исботланган...

Ёш олим илмий-амалий сафардан бир қанча янги ғоялар, асосли таклифлар билан қайтди. Улар кўпгина манфаатдор ташкилот ва муассасалар учун айни муддао бўлишига, юртимизда Япония тажрибаси ўзлаштирилишида муайян ҳисса бўлиб қўшилишига ишончимиз комил.

**Шуҳрат АСҚАРХЎЖАЕВ,**
**Дилмурод АХУНДЖАНОВ,**
**Тошкент архитектура-қурилиш институтининг "Қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлилиги" кафедраси профессор-ўқитувчилари**

Қилмиш-қидирмиш

# Тиббий маълумотномани сотаётганида...

*Тиббий хизматга кунда бўлмаса ҳам, тез-тез ишимиз тушади. Иссиқ жон-да, баъзан муолажа олиш, баъзан тиббий кўрикдан ўтиш учун мурожаат қиламиз. Саломатлигимиз тўғрисидаги маълумотномалар ҳам тиббиёт муассасаларидан олинади. Аммо кўрсатилаётган тиббий ёки бошқа хизматларни пулга чақиб, ўзи ва ҳамкасблари шаънига путур етказаётган айрим ходимларнинг борлиги дилни хира қилади.*

*Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамширалари Р. Солиева ва С. Ҳошимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фуқаро С. Олимовга никоҳга киришдан олдин тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги қалбаки маълумотномани тайёрлаб бериб, эвазига 120 минг сўм олаётганда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ушланди.*

*Хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш, касбга хиёнатни кечириб бўлмайди. Тамагир тиббиётчиларнинг бу қилмишига яраша чора кўрилди. Умид қиламизки, ушбу ҳолат бошқаларга сабоқ бўлади.*

**Учқун МАМАТРАИМОВ,**
**Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори**


# Уй ёнида боғча ҳам бўлса яхши-да!

**Кўҳна Хоразм тарихимизда ўзига хос меъморчилик услубига эга, жозибадор ва кўркам иншоотлари билан машҳурдир. Ҳозирда Урганч туманида қурилаётган таълим-тарбия масканларида эса замонавийлик нафаси уфурмоқда. Хусусан, Президентимизнинг ўтган йил 2 июлдаги "2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бунёдкорлик ишлари манзилли дастур асосида амалга ошириб келинмоқда.**



Хоразм вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмасига биноан бинокорлар томонидан кўплаб таъмирталаб мактабгача таълим муассасалари биноси тўлиқ таъмирланди, баъзилари эса янгитдан барпо этилди. Бунга Урганч шаҳридаги 160 ўринли 33-сон болалар боғчасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу жойдаги 5 миллиард 235 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини "Қурувчи Боғот" хусусий корхонасининг қўли гул қурувчилари ниҳоясига етказди.

Шунингдек, "Шодлик" маҳалласида умумий қиймати 4 миллиард 800 миллион сўм бўлган, катта ва замон талаблари даражасидаги мактабгача таълим муассасасининг барпо этилиши ҳам болажонлар учун ажойиб совға бўляпти. Бунда "Суҳроб дизайн қурувчи" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ишларни якунлай, деб қолди.

Бундан ташқари, ўтган йилда Урганч туманида истиқомат қилувчилар учун ҳам бир қанча арзон уй-жойлар барпо этилди. Жумладан, Чандир-қиёт массивининг ўзида моҳир қурувчилар томонидан 150 та хонадон қисқа фурсатда қурилиб, эгаларига топширилди. "Қурувчи Ҳасан-Ҳусан" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари эса қисқа фурсатда майдони 2 сотихли 12 та уй-жой қуриб битказишди. Шунингдек, "Ислом Темур Бобур" хусусий корхонаси кам таъминланган оилалар учун майдони 2 сотихли 7 та уй-жой қуриб эгаларига топширди.

*Хизматлар лицензияланган.* 293-18



Реклама ҳуқуқида



**Ўтган йилда Вобкент туманида инвестицион лойиҳага асосан бир қатор маданий ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясининг буюртмасига биноан Найман маҳалласида 28-мактабгача таълим муассасаси қад кўтарди.**

# Вобкентликларнинг истаги амалга ошди

Янги иншоот "Рохкент қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти бинокорларининг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилди. Шунингдек, Эсон Азимов бошчилигидаги "Ғиждувон бунёдкори қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари тумандаги 33-мактабгача таълим муассасасини 2 миллиард 884 миллион сўм эвазига барпо қилди. Эътиборли томони, мазкур бино қурилишида замонавий архитектура талаблари тўлиқ қамраб олинди.

*Хизматлар лицензияланган.* 289-18



Реклама ҳуқуқида

# Попда намунавий, Чустда эса...

**Наманган вилоятида "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури" юзасидан кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Поп тумани Пахтакор массивида 6 та 3 қаватли 108 хонадон 11 миллиард 280 миллион сўм эвазига қурилиб эгаларига топширилмоқда.**



Бу ерда "Ғолиб Ҳожи-ЭР", "Поп дизайн қурилиш" масъулияти чекланган жамиятлари бинокорлари жонбозлик кўрсатишяпти. "Карат-Асадбек" қурилиш корхонаси қурувчилари эса 1 та 3 қаватли 18 хонадонли уй қурилишини якунлашни зиммасига олган. Шунингдек, ушбу жамоа инвестицион дастурга асосан тумандаги 50-мактабгача таълим муассасасини ҳам капитал таъмирдан чиқарди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмасига кўра, ўтган йили инвестицион лойиҳага асосан Чуст туманидаги бир қатор таъмирталаб мактабгача таълим муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Жумладан, Каркидон маҳалласидаги 4-мактабгача таълим муассасасини Зоир Тошматов бошчилигидаги "Крошка строй сервис" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари 2 миллиард 680 миллион сўм эвазига реконструкция қилди. Бу ерда болажонлар учун ёзги ўйин майдончаси ҳам ташкил этилган. Илёсжон Валиев раҳбарлигидаги "Дўзанда қурилиш" хусусий корхонаси бунёдкорлари 75 ўринли 10-мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирдан чиқарди.

*Хизматлар лицензияланган.* 287-18


**Саҳифадаги реклама материалларини "XXI asr" мухбири Юнусали ОЧИЛДИЕВ тайёрлади.**

# Тил қайғуси

Миллат жаҳонга бўйлашгани сари адабий тил ҳам хорижий тиллар билан интеграцияга киришиши табиий ҳол. Бу олди-берди жараёнида олганимиз берганимиздан чандон ошиб кетиши эса она тилимиз софлигига путур етказибгина қолмай, аста-секин асл табиатидан узоқлаштириб, йўқолиб-йитишигача, худо кўрсатмасин, олиб бориши мумкин. Тадбиркору ишбилармонга, ишлаб чиқарувчию сотувчи ва қурувчига бирор буюм-тушунчани чет тилида эшитганидай атайвериш қулай. Яна асосий масъулият чинакам зиёлилар зиммасига тушади. Бунинг учун, албатта, шоир-ёзувчи бўлиши шарт эмас, қайси соҳада фаолият юритса-да, шу элнинг асл фарзандиман деб ўйлайдиган шахс борки, адабий тилнинг софлигини сақлаш ва имкониятларини кенгайтириш бўйича бош қотирмоғи зарур.

Ана шундай жонкуяр миллат ойдинларининг жон койитиб ёзган фикр-мулоҳазаларини газетамизда мунтазам эълон қилиб боришни, улкан иморатга бир ғишт билан бўлса-да ҳисса қўшмоқни ният этдик.



**Аҳмад АЪЗАМ,**
*ёзувчи, адабиётшунос*

➤ Миллатимизнинг буюк ўтмиши ва буюк келажаги ҳақида кўп гапирамиз, миллатнинг ўзини буюк қиладиган омил эса тафаккур; тилини буюк қила олмайдиган миллат ўзини ҳам буюк қилолмайди. Шу йўл юки ҳаммамизнинг зиммамизда.

➤ Юксак минбарлардан ҳам айтиляпти, матбуотнинг ўзида гапириляпти, бонг ураётганлар чиқяпти, аммо ўз – ўзбек тилимизнинг бугуни ва эртаси борасидаги бу ташвишу даъватлар ўзимизнинг лоқайдлигимиз botқоғига чўкиб кетаётир.

Дод деб юборгинг келади – қоғозга додлайсан одам! Қоғознинг эса фақат қулоғи бор, оғзи йўқ – садо бермайди! Ахир, ҳамдардга додлайсан-да, одам!

Тилда атай бузғунчилик билан давлат қонунини бузиб, бунақа кинолару қўшиқларни ясаб ташлаётган, ҳамма ёқни чет атамалару чаласавод ёрлиқ, реклама матнларига тўлдираётган, алламбало алфозда жилд-жилд босмаларни "бадиий асар" деб чиқараётган, эфирда қанақадир яроқсиз "ўзбекча" вағиллаб турганлар шу лоқайдлик ботқоғимизда гуркираб ўсаётган алафлардир ва уларни инсофга чақириш, тарбияли бўлишга ундаш, тил бу – тафаккуримиз замини, миллий бойлигимиз – ўзлигимиз, уни бузиш эмас, қўриқлаш, асраш, тозалаб туриш лозимлигини уқтириш ҳам бефойда. Худди мен ёзаётган шу гапларни ҳам деворга гапираётганим каби.

➤ Албатта, шевада гапирсинлар, тўйиб гаплашсинлар, зеро, шевалар тилнинг илдизлари, тўғрироғи, булоқлари; улар ҳам қуриб қолмаслиги лозим. Лекин, афсуски, шеваларни ҳам ОАВнинг сунъий тили тангликка солиб қўйган, глобаллашувни рўкач қилиб, унинг панасида ёт атама, ёт ибора, бузуқ бирикмалар уларга ҳам бостириб кираётир. Ҳаётнинг равиши – кексалар ўтиб кетади, катталар кексаяди, изимиздан келаётган ёш авлод "глобаллашиб", ўз шевасини майиқ-майриқ қилиб гаплашади – бу булоқларнинг ҳам қуриб бошлаганини шундан ҳам билса бўлади.

Гап жамоат минбари эгаси адабий тил экани ҳақида кетаётир! Миллатнинг таркиб топиш омили ва шу миллатдаги бошларни бир-бирига қовуштириб келаётган тилимиз ҳақида. ОАВ минбарига чиққан, кўпчиликка юзланган одам, агар ўзини ҳурмат қилса, марҳамат қилиб адабий тилда гапирсин! Минбарга етган одамнинг елкасида умуммиллат юки бўлиши зарур! Мактабдан олий ўқув юртларигача, мажлису йиғинлардан расмий тадбирларгача давлат тилида бўлиши лозим! Давлатимизга мадҳу сано ўқиманг, унинг тилига амал қилинг. Ахир, кеча уни ҳимоя қилиб кўчага чиққан ўзимиз эмасми! Ҳамма дарслар адабий тилда ўтиладиган, устозлар ўқувчилар шевасини адабий тилга буриб, уни ўргатадиган чиройли қонун мажбуриятлари қаерда қолди? Энди буни қилиб бўлмайди, деб ўйлайсизми? Йўқ, бўлади!

Мен Эски шаҳарнинг қоқ марказида тураман, шу маҳалладаги мактабда мучал тадбири бўляпти экан. Таклиф қилдилар, бордим. Икки соатча ўтириб, ўқитувчиларнинг гапларини, болаларнинг сўзга чиқишлари, шеър ўқишлари ва қўйган саҳналарини томоша қилдим. Болаларнинг ҳаммаси шу атрофдан, асосан туб тошкентлик оилалардан, ўқитувчилар ҳам шундай. Лекин бир оғиз ҳам шева эшитмадим. Ҳайрону хурсанд бўлиб ёнимда ўтирган ўқитувчига: "Қандай яхши, болалар мактабда адабий тилга риоя қилар экан", десам, ўқитувчи сапчиб тушди: "Вой, нима деяпсиз, мумкин эмас! Дарсларни адабий тилда ўтамиз, ҳовлида ҳам болаларнинг адабий тилни бузиб гапиришига йўл қўймаймиз. Ахир, бу давлат тилимиз-ку!" деди.

Бўлар экан-ку! Қойил бўлдим, лекин қани эди ҳамма мактабда шундай бўлса! Афсус!

➤ Асли муаммонинг туби чуқурроқ, масала тилнинг сут билан қачондан кириши, боланинг она тилини қаердан ўрганиб бошлашида. Бешик тебратадиган келинларнинг бир қўли бешикда, икки кўзи телевизорда – алла айтиш фақат кўрик тадбирларида қолди. Оналар рўзғордан бўшамай ҳам телевизорга қадалиб олади. Бола бир нарса сўраса, бошимни қотирма, бор кўчада ўйна ё дарсингни қил, деб ҳайдайди. Эркаклар иш билан, боласи билан гаплашиб ўтиришдан ўзини олиб қочади. У ҳам хотинига қўшилиб сериал кўради. Эртак айтиб берадиган бувилар ўзи азалдан сийрак, экранга кўзи ўтгани… бунда ҳам ўша аҳвол. Булар ҳам ўтиб кетяпти. Дастурхон устида гурунглар йўқ бўлиб кетди. Бола қаердан тил машқини олади – у ҳам ноилож, телевизорга тикилади, сал эси киргани компьютерни титкилайди, суррогат нарсалар онгига қуйилаверади, жумладан, бузуқ тил ҳам.

Албатта, ота-она болаларига эга-кесим ундоқ бўлади, тил қоидалари бундоқ бўлади, деб ўргатиб ўтирмайди, аксинча, боланинг тили табиий муҳитда: ўзаро мулоқот, сўзлашув, ўйинлар, ҳангомаларда камол топади. Ва мактабда бу тарбияни олади. Тўғрироғи, олиши лозим. Мактабларда эса тил ўқитилиши ўқувчи болалар учун оғирлик қиладиган, зерикарли қоидаю боғланишлар изоҳига ўтиб қолган. Азалдан бери шундай. Мактаблар жонли мулоқот тилини ўргатмайди, эгаю кесим, гап бўлакларини кўрсатиб беради, холос, бинобарин, тирик тилга муҳаббат ҳам уйғотмайди.

➤ Фикр шаклланиши, тилни билишнинг яна муҳим омили – китоб, бадиий асар. Ҳозир ўқувчиларнинг аксарияти китоб ўқимайди, бадиий асарларни варақлаб




кўрмайди. Устига устак, дарслик – хрестоматиялар ҳам камбағал, улар ном санаш билан, ўтмишдаги катта адибларимизнинг ҳозирги ёшларнинг дунёқараши, қизиқиши, дунёбинлиги, кўнгил кечинмаларидан йироқ асарлари билан тўла. Ёшлар ўқийдиган нарса кам. Мана, бугунги кунга келиб шу мактаблар эккан арпа ҳосилини ўряпмиз-да, ёшларимизнинг тили бунча камбағал, бунча сунъий деб, нимага булар беодоб бўлиб кетяпти, деб ёзғирамиз. Қўшиқ айтяпман деб алмойи-алжойи шанғиллаб ётганлар, уларга шайдойи қарсак уриб, ўйинга тушаётганлар нафақат тил масъулияти, тил номуси нималигини, балки унинг ўзи нималигини ҳам билмайдилар. Ғулийликни ўзи ихтиёр қилиб танлаган ва шу билан фахрланадиган манқурт тоифа! Бу ўзимиз етиштираётган авлод.

➤ Миллат руҳининг ифодаси бўлмиш адабий тилни бузмай, бўлакламай ривожлантириш керак. Зеро, у давлатчилигимиз асоси ҳамдир. Тўқсон икки бовли ўзбекни бирлаштирган! Энди бу ўзбекнинг ҳар элати мактабдан бошлаб ўз шевасида гапириб, ўқиб-ёзадиган бўлса, кейин адабий тилни ҳар ёққа тортқиласа, тасаввур қиласиз-ку қаёққа ўтиб кетишимизни! Ўзи-ку шўро яхлит яшаб келаётган туркий миллатни сен алоҳида, сен алоҳида, мана, сенга битта республика, камроғингга, мана, мухторият деб улусларга бўлиб, орага қутқу уруғини қадаб қўйган эди. Туркистон туркийлари ҳар бири алоҳида миллат бўлиб олди, майли, бу миллатларга ҳам баракасини берсин, лекин ягона туркий тил бўлакланди, ҳар бўлаги ўзича иҳоталаниб олди. Бир-бирини балодай тушунган эллар бугун қон-қардоши тилини луғатсиз англаши мушкул. Майли, ҳар бири ўз давлатида униб-ўссин, тараққий топсин, лекин умумтуркий тил бирлигини йўқотмасинлар. Бу тил Туркистондай улкан ҳудудда умргузаронлик қилаётган миллатлар тафаккури ривожининг гаровидир. Бу тил бирлигига раҳна солиш бугунги кунда ҳар бир туркий миллатнинг ўзини ичдан парчалашга ҳам олиб келади. Ўтмиш тарихларда бу неча бор қайтарилган, ялакатмағиз катта улуслар парчалаган.

➤ Умумтуркий дарёни ариқларга бўлаклаб ташланганини етмагандай, чиғатой тилини адабий тилга айлантиришда лексик бой имкониятлар яна ҳам торайтирилган, бугунги ўзбек адабий тилига асос қилиб қарлуқ-чигил-уйғур шеваларигина олинган. Масалан, жуда улкан ареал – қипчоқ лаҳжаси шеваларининг аксари бойликлари адабий тилга киритилмагани бизни қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, олтой тиллари… умуман, Россиянинг марказий, жанубий, шимолий ҳудудлари, Олтой ўлкалари, Мўғулистон, Хитой ҳудудларида яшаётган туркий халқ, эл-элатлардан орамизни узоқ қилиб, лексикамизни ҳам торайтириб қўйган, бинобарин, тилимизнинг ифода имкониятлари чекланиб қолган. Жаҳоннинг етакчи тиллари қаторига чиқа олмаслигимиз сабабларини ҳам шу ердан излаш керак. Бу менинг эмас, тилчи мутахассислар фикри ва бу ҳақиқат. Айни пайтда лексикографиямизга ўғуз шевалари бойликларидан жуда оз киритилгани учун, мана, бугунги кунга келиб усмонли турк ва туркман тилларини гаплашганда англашимиз қийин, ўқишда эса луғатга муҳтожмиз. Бу "илмий" тадбирлар оқибатида адабий тилимизнинг сўз бойликлари камбағаллашиб, ифода имкониятлари яроқсиз аҳволга тушиб боряпти. Гап тилимизнинг чиндан-да бугунги замон талабларига жавоб бера олиши ё бера олмаслиги борасида кетяпти.

➤ Соҳибқирон бобомизнинг: "Бизким, малики Турон, амири Туркистонмиз, миллатларнинг энг қадими ва улуғи туркнинг бош бўғинимиз", деган гапларини айтиб фахр қиламиз-у, бу ўгит-васиятни танимизга олмаймиз.

Туркий чиғатой, яъни ҳозирги ўзбек тилимиз ўтмишда барча туркий эл ва элатларга тушунарли бир ўзак тил эди. Турк Юнус Эмро, туркман Махтумқули, озар Насимий, қозоқ Абай, қорақалпоқ Бердақ битта тил дарёсидан баҳра олган ва бугун уларни ўгириш ҳам унча шарт эмас. "Алпомиш", "Гўрўғли", "Манас", "Ўғузнома", "Кўрқут ота" бир тил заминида яратилган. Бу тилнинг бош бўғини – шу она тилимиздир. Уни асраб-авайлаш, шева-лаҳжаларининг тоза булоқларидан яна сув олиш, фақат ўзимиз учунгина эмас, қардош тиллар ривожи учун ҳам ниҳоятда керак. Тилда олди-берди ўзимиз учун ҳам сув билан ҳаводек зарур.

➤ Тил ўтмишидан юз буриш – ўзлигидан юз буриш, сўз бойликларини суррогат атамаларга алмаштириш эса тафаккурни суррогат қолипга солиб, адабий тилни муайян тушовга солиб қўйишдир. Минг йил илгариги "Девону луғатит турк"дан бу ёғига тараққийда бўлган тилимизни бугун нима аҳволга солаётганимиз ўзини ўзбек деб ўйлайдиган, ўзини фикр қилгувчи ҳисоблайдиган ҳар бир фуқаронинг ўз танига ақллашадиган муаммоси ва шунга бепарволиги учун виждони, орияти олдида, қолаверса, давлат тили ҳақидаги қонун олдида жавоб берадиган масаладир. Зеро давлат қанақадир бир умумий макон эмас, у – ўзимиз, ҳар биримиз.

Осиё чемпионати – 2019

Хабарингиз бор, 5 январ куни Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича Осиё кубоги – 2019 га старт берилган эди. 17 маротаба ўтказилаётган қитъамизнинг энг нуфузли чемпионатида илк бора 24 терма жамоа иштирок этмоқда.

Ана шу кубок ўйинлари доирасида, кеча миллий терма жамоамиз илк ўйинни уммонлик футболчиларга қарши ўтказди. Баҳсда йигитларимиз 2-1 ҳисобидаги энг қийин ва қимматга тушган муҳим ғалабани қўлга киритишди.

# ХАЙРИЯТ, НЕСТЕРОВ БОР ЭКАН!

Ўйинни кўпчилик кўргани аниқ. Тўхталиб ўтириш ортиқча. Кимдир биринчи таймдаёқ бетоқат тарзда ярим чин, ярим ҳазил баҳонасида луқма ташлади: "Нима, бизнинг командада фақат Одил Аҳмедов билан дарвозабон Игнатий Нестеров ўйнаяптими, бошқалар-чи, захирадан ўйинчи тушмаса ютқазамиз-ов?!"...

Ниҳоят, бош мураббийимиз Эктор Купер энг тўғри қарорни қабул қилди: Элдор Шомуродов майдонга тушгач, ўйин жонланди ва 85-дақиқада айнан унинг индивидул ҳаракати эвазига дурангдан қутулиб қолдик.

Тан олайлик, кечаги ўйин қаҳрамони барибир Нестеров бўлди, десак, ҳеч ким эътироз билдирмаса керак, ё ёлғонми?

Буниси ҳали ҳолва, олдинда янада оғирроқ учрашувлар кутиб турибди бизни. Агар кейинги ўйинлардаям терма жамоамиз шунақанги юрак ўйноғи қиладиган "қилиқ"лар кўрсатса...

Ноумид шайтон, ҳозирча уч очко нақд, ишонамиз, мураббий айтганидек, келгуси ўйинларда "юриш" бошқача бўлади, а лаббай!?

**МУХЛИС**


## ЭЪЛОН

"ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ҲИСОБИДА БЎЛГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЎРНАТИЛГАН ГАЗ БАЛЛОН ВА ЖИҲОЗЛАРИ СИНОВ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ХИЗМАТИНИ, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҲАМДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ВА УЛАРГА АЛОҚАДОР ХАВФЛАРНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА "СУҒУРТА ПОЛИСИ" ОЛИШ УЧУН

**ОЧИҚ ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танлов муддати – 10 кун.
Маълумотлар жадвалда кўрсатилган.
Тўлиқ маълумот олиш учун корхона веб саҳифасига ёки қуйида кўрсатилган манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.
**Манзил:**
*Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан қўрғони;*
***инд** 180300;* **Тел./Fax/:** (75) 552-40-16, 552-46-55,
www.sgcc.uz trn@sgcc.uz

| № | Номи | Техник кўрсаткичлари | Ўлчов бирлиги | Сони |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ баллон жиҳозлари билан синов ишларини бажариш хизмати | Ҳажми 36 литрдан 65 литргача бўлган пропан ва метан газ ёқилғисига мўлжалланган баллонлар | дона | 23 |
| 2 | Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ баллон жиҳозлари билан синов ишларини бажариш хизмати | Ҳажми 80 литрдан 100 литргача бўлган пропан ва метан газ ёқилғисига мўлжалланган баллонлар | дона | 15 |
| 3 | Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ баллон жиҳозлари билан синов ишларини бажариш хизмати | Ҳажми 100 литрдан юқори бўлган пропан газ ёқилғисига мўлжалланган баллонлар | дона | 3 |
| 4 | Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларни қизил рангга бўяш хизмати | Ҳажми 36 литрдан 160 литргача бўлган пропан ва метан газ ёқилғисига мўлжалланган баллонлар | дона | 41 |
| 5 | Транспорт воситаси ва уларга алоқадор хавфларни суғурта қилиш бўйича | Суғурта полиси олиш (автотранспорт) | дона | 13 |
| 6 | Транспорт воситаси ва уларга алоқадор хавфларни суғурта қилиш бўйича | Суғурта полиси олиш (ярим тиркама) | дона | 6 |
| 7 | Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича | Суғурта полиси олиш (Автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалик техникалари) | дона | 186 |
| 8 | Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича | Ҳайдовчилар сони чекловсиз суғурта полиси олиш (Автотранспорт воситалари учун | дона | 2 |

"Буюртмачи" мажбурияти:
Товар ёки кўрсатилган хизмат учун олдиндан шартнома нархининг 15% суммасини тўлаб беради.
"Бажарувчи" мажбурияти:
зарурий ҳужжатларни шартнома тузиш жараёнигача тақдим қилади;
маҳсулот ва бажарилган хизмат ишлари амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабига мос келиши керак.



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАИТОВ, Насимжон АЛИМОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Адҳам ШОДМОНОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Виктор ПАК, Сирожиддин САЙЙИД, Фаррух ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Қувондиқ САНАҚУЛОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 158 Тираж: 4200
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – 00:35
Топширилди – 02:30

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12345

Навбатчи муҳаррирлар: Аслиддин АЛМАРДАНОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.